БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | № 285 (16.671). | 7 декабрь 1976 йил, сешанба | Баҳоси 2 тийин.

Финляндия Республикасининг Президенти Урхо КЕККОНЕН жанобларига

Сизни, Президент жаноблари ва дўст Финляндия халқини Финляндиянинг миллий байрами — мустақиллик куни муносабати билан совет халқи номидан ва шахсан ўз номимиздан самимий табриклаймиз.

Совет социалистик давлати ленинча ташқи сиёсатининг дастлабки ҳужжатларидан бири Финляндиянинг давлат мустақиллигини эътироф этиш тўғрисидаги ҳужжат бўлди. Биз Финляндиянинг СССР билан дўстлик ва яхши қўшничилик йўлини қатъият билан олиб бораётганлигини, халқаро кескинликни юмшатиш ишини олга силжитишга ўз ҳиссасини қўшаётганлигини зўр мамнуният билан уқтириб ўтамиз.

Дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартнома Совет Иттифоқи билан Финляндия ўртасида сиёсий ҳамкорлик, ташқи иқтисодий ва бошқа алоқаларни юксак даражага кўтаришни, уларни янада жадал ривожлантиришни таъминлади. 1948 йилги шартномада белгиланган сиёсатнинг, унинг барча қоидаларининг амалга оширилиши натижасида мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар Европада хавфсизлик ва ҳамкорликнинг муҳим омили бўлиб қолди. Мана шу сиёсат ва қоидалар туфайли Умумевропа кенгашининг Якунловчи актида кўрсатиб ўтилган принциплар ва аҳдномалар муваффақият билан амалга оширилмоқда.

Президент жаноблари, Сизнинг давлат фаолиятингизда янги-янги муваффақиятлар, меҳнатсевар Финляндия халқига тинчлик ва фаровонлик тилаймиз.

Л. БРЕЖНЕВ. Н. ПОДГОРНИЙ. А. КОСИГИН.

ФЕРМАДА ҚИШКИ МАВСУМ

Ўрим-йиғимнинг долзарб дамлари ўтиб кетди, лекин мамлакатнинг қишлоқларида меҳнат ғайрати ҳамон авжида! Кўкламга тайёргарлик қизитилмоқда, чорвачиликда масъулиятли дамлар бошланди. КПСС Марказий Комитетининг 1976 йил октябрь Пленуми қарорлари, Марказий Комитет Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Пленумда сўзлаган нутқида қишлоқ меҳнаткашлари эришган муваффақиятларга берилган юксак баҳо колхозчиларни, совхоз ишчиларини янги-янги катта ишларга руҳлантирмоқда, партия XXV съезди белгилаб берган марралар сари янада сабот-матонат билан олға боришга чорламоқда.

Уничи беш йилликда чорвачиликни ривожлантириш борасида катта-катта вазифалар турибди. Бу соҳада комплекслар ва паррандачилик фабрикалари қуришга, мавжуд фермаларни реконструкция қилишга катта-катта маблағлар ажратилмоқда, мустаҳкам ем-хашак базаси яратишга алоҳида эътибор берилмоқда. Беш йилда омихта ем тайёрлаш 32 миллион тонна кўпаяди, йирик суғорма озуқа экин майдонлари фойдаланишга топширилади, 37,6 миллион гектар яйловга сув чиқарилади. Булар чорвачиликни янада барқарор ва муттасил ривожлантиришга имкон беради. Давлат ажратадиган каттакатта ресурслардан ишнинг кўзини билиб фойдаланиш, юксак самарадорлик ва ишнинг сифатли бўлишига эришиш энг муҳим вазифа ҳисобланади, албатта. Бу борада чорвадорларнинг ўзлари ҳал қилувчи роль ўйнайдилар, уларнинг вазифалари мураккаблашиб қолди.

Ўтган йилги қаттиқ қурғоқчиликдан кейин чорвачилик маҳсулдорлиги бирмунча камайди, бу нарса аҳолини гўшт ва сут билан таъминлашга салбий таъсир кўрсатди. Эндилинда партия Марказий Комитети кўрган бир қанча чоралар туфайли аҳвол яхшиланиб бормоқда. Хўжаликлар қорамол ва паррандалар, чўчқа ва қўйлар сонини анча кўпайтирдилар, фермаларнинг озуқа базаси мустаҳкамланди. Олга янги қадам қўйиқ учун эришилган муваффақиятларни мустаҳкамлаб, ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатларини оширмоқ керак.

Чорвачиликни янада интенсивлаш муваффақиятга олиб борувчи асосий йўлдир. Бу йўл биринчи навбатда ишлаб чиқаришни хўжаликлараро кооперациялаш базасида ихтисослаш ва концентрациялаш билан боғлиқ. Орттирилган тажрибалар ишга бундай ёндашувнинг жуда катта имкониятлари борлигидан далолат беради. Бундан буён ҳам меҳнат тақсимотини чуқурлаштириш йўлини актив равишда амалга ошира бориш, гўшт, сут, тухум, жун тайёрлашнинг индустриал методларига ўтиш лозим. Аммо бу борада шошма-шошарликка йўл қўйиш ва эски фермаларни вақтидан илгари тугатиш ярамайди. Чунки булар маҳсулот тайёрлашнинг камайишига сабаб бўлиши мумкин.

Гўшт етиштиришни кўпайтириш учун кўп иш қилиш зарур. Даставвал наслчилик соҳасидаги ишларни яхшилаш, сермаҳсул зотлардан кенг қўламда фойдаланиш, ҳамма хил чорва, айниқса чўчқа ва парранда бошининг кўпайтирилишига эришиш талаб қилинади. Ҳар бир хўжаликда беш йиллик иккинчи йилининг биринчи ярмидаён чўчқачилик, гўшт чорвачилиги имкониятларидан, вазни камида 350-400 килограммга борадиган қорамол боқиб, семиртириб реализация қилиш интенсив методларидан кенг қўламда фойдаланиш ҳисобига мамлакатга кўпроқ қиммати маҳсулот етказиб бериш максад қилиб қўйилмоғи лозим. Ҳолбуки орик-тўрик моллар қабул пунктларига юборилаётган ҳоллар оз эмас. Грузия, Озарбайжон ва Тожикистонда, Смоленск, Курск ва Ярославль областларида шундай ҳоллар учрайди. Ем-хашакни яхшироқ тайёрлаб, ҳар хил қўшимча озуқаларни бериб аҳволни тезроқ тузатиб олиш ва шу йўл билан чорванинг вазн кондициясини анча ошириш керак.

Ҳозир фермаларда энг масъулиятли давр—чорва қишлови бошланди. Илғор колхоз ва совхозлар ўзларининг ошган моддий ресурсларига таяниб маҳсулот етиштиришни кўпайтирмоқдалар. Ўзбекистон, Эстония, Олтой ўлкаси, Амур, Черновици, Гродно, Шарқий Қозоғистон областларининг чорвадорлари бултургига нисбатан кўпроқ маҳсулот бермоқдалар. Бу жойларда озуқадан мириқиб ишлаш ва фойдаланиш натижасида ишлаб чиқаришнинг миқдори, шунингдек сифат кўрсаткичлари анча яхшиланди.

Маълумки, қишда пода ва отар чорваси тез кўпайиб, соғиладиган сут ортади, чорва тез семиради. Шу тахлитда жорий ишлаб чиқариш вазифалари ҳал этилишидан ташқари соҳанинг бундан буёнги ривожланиши учун замин яратилади. Шундай экан, чорвачиликда зоотехника талаблари комплексига қатъий риоя қилган ҳолда ишларни янада такомиллаштириш зарур. Аммо ишлар ҳамма ерда ҳам кўнгилдагидек деб бўлмайди. «Правда»га хабар қилинишича ,масалан, Каличин ва Киров областларидаги кўпчилик хўжаликларда чорвани тўғри боқиш йўлга қўйилмаганлиги, чорва тузук ремонт қилинмаган биноларда боқилаётганлиги натижасида фермалардаги маҳсулдорлик пасайиб кетган. Мордва, Саратов, Целиноград областлари ва бошқа баъзи областларда ҳам сут ва гўшт етиштириш шу сабаблар билан камайиб кетган. Аҳволни тезда ўнглаб олмоқ учун фермаларда ишларнинг бориши устидан қатъий назорат ўрнатмоқ, ҳар қандай хўжасизликлар пайини қирқмоқ, план ва зиммага олинган мажбуриятларни бажариш учун ҳамма бўғинлардаги раҳбарларнинг масъулиятини оширмоқ керак.

Яйлов чорвачилиги биринчи даражали аҳамиятга эга. Эрта қор тушганлиги, ер юзи яхлаб қолганлиги сабабли Қозоғистон, Россия Федерацияси ва бошқа республикаларнинг бир қанча раойнларида чорва боқиш учун шароит қийинлашди. Бундай шароитда чорва камайиши ва ориқланишига йўл қўймаслик, бунинг учун озуқа ресурсларидан рационал равишда фойдаланиш муҳим иш ҳисобланади.

Фермаларда маҳсулот етиштиришни кўпайтириш, план ва мажбуриятларни бажариш учун социалистик мусобақа янада эўр куч билан авж олдирилмоқда. Яқинда Тула областининг илғор сут соғувчилари қимматли ташаббус бошладилар. Улар ҳамма чорвадорларга мурожаат этиб, чорва маҳсулдорлиги ва меҳнат унумдорлигини бутун чоралар билан ошириш учун курашни авж олдиришга даъват қилдилар. Қишлоқ коммунистлари шу мусобақани кўллаб-қувватлаб унга бошчилик қилишлари, меҳнат унумдорлигини ошириш билан боғлиқ ишлэр қандай аҳволда эканлигини, иш сифатини ошириш учун кўшимча қандай резерварни ишга солиш кераклигини таҳлил қилиб чиқишлари лозим. Илғор тажрибани оммалаштириш, меҳнат мусобақаси натижаларидан оммани кенг хабардор қилиб туриш, кадрлар, айниқса ёшларнинг ўқишини йўлга қўйиш лозим. Шу билан бирга эришилган ютукларга принципиал, танқидий ёндашиш, куч-кувватларни ишлаб чиқаришнинг қийин соҳаларига сарфламоқ керак.

Ватанга кўпроқ чорвачилик маҳсулотлари бериш, аҳолини гўшт ва сут билан таъминлашни яхшилаш колхоз ва совхоз меҳнаткашларининг ватанпарварлик бурчидир. Шу масъулиятли вазифани уддалаш партия XXV съезди қарорларини бажаришга, ўничи беш йилликда муваффақиятли ишлаш учун пухта замин яратишга кўмак беради.

(«ПРАВДА» газетасининг 6 декабрдаги бош мақоласи).

ХЎЖАКЕНТ ГЭСи ТОК БЕРДИ

ЧОРВОҚ (Тошкент области), 6 декабрь. (ЎзТАГ мухбири Ю. Кружилин). Якшанбадан душанбага ўтар кечаси Чирчиқ дарёсидаги Хўжакент ГЭСининг биринчи энергоблоки ишга туширилди. Ток берган генераторнинг қуввати 55 минг киловаттга боради. Станция комплексини ташкил этувчи яна иккита шундай машина ишга туширилиш олдида турибди.

Бу энергетика маркази — ўрта Чирчиқда қурилаётган гидростанциялар каскадининг иккинчи босқичидир. Унинг тўғони дарё оқимининг юқорисида жойлашган Чорвоқ ГЭСининг турбиналаридан ўтган сувни қабул қилади.

Каскаднинг учинчи босқичи — Ғазалкент ГЭСида ҳам ҳар бири 55 минг киловатт қувватли учта генератор бўлади. Уларнинг ҳаммаси шу беш йилликда ишлай бошлаши керак. «ЧарвакГЭСстрой» бошқармасининг Чорвоқ ва Хўжакентдаги ишларни битирган коллективлари янги объектга кўчиб ўтмоқда.

Жиззах областининг Пахтакор районидаги Ульянов номли совхозда ҳам келгуси йил мўл ҳосилга пухта замин яратилмоқда. Хўжаликдаги 16 та ҳайдов трактори билан кунига 120-140 гектар ер сифатли шудгор қилинмоқда. Суратларда: Чапда — совхоз далаларида шудгорлаш пайти. Ўнгда — совхоз бош агрономи Йўлдош Зоҳидов билан моҳир тракторчи Норбой Эгамбердиев ўртоқлар.

Ж. Тўраев фотолари.

ШУДГОР ҚАНДАЙ БОРЯПТИ?

Республика областларида кузги шудгорлашнинг борыши тўғрисида шу йил 6 декабрга бўлган МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — ҳайдалган майдон (минг гектар ҳисобида); учинчи устун — топширинининг бажарилиш процанти.

Тошкент	243,4	98,9
Андижон	178,3	92,4
Наманган	114,2	77,4
Жиззах	107,7	68,6
Хоразм	13,2	66,1
ҚҚАССР	34,6	49,4
Самарқанд	103,6	47,5
Сирдарё	76,9	43,7
Фарғона	58,4	39,5
Қашқадарё	57,3	27,7
Бухоро	44,0	22,2
Сурхондарё	28,3	18,6
Республика бўйича:	1059,9	54,9

СЕРФАЙЗ ДАЛАЛАР

Куни кеча шу ерларда пахта йиғим-терими давом этаётган эди. Бугун полвон тракторлар наъра тортиб юрибди. Ер ҳайдаляпти. Келгуси йил мўл ҳосили учун замин яратиляпти. Мавсумда тонна-тонналаб пахта терган Сервер Усеинов, Михаил Галин, Ҳамид Шаропов сингари моҳир механизаторлар бу ишда фаоллик кўрсатишяпти. Биз колхоз раиси Юнус Тўлагановни далада учратдик. У хўжалик қўлга киритган бу йилги ютуқлардан беҳад мамнун эди.

— Минг гектар ернинг ҳар гектаридан 48 центнердан хирмон кўтардик, — дейди у, — келгуси йилги марramиз 50 центнердан. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг республикамиз пахтакорларига йўллаган самимий қутловидан беҳад руҳланган ҳолда меҳнат қиляпмиз. Гектаридан 50 центнердан орттириб хирмон кўтарган Эргаш Бозорбоев, Асқар Зоитов, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Саид Ибрагимов, Наталья Александровна Ковалева ўртоқлар бошлиқ бригадалар меҳнатчилари кузги шудгорлашни барвақт, сифатли ўтказишди. Бу илғор коллективлар келгуси йилда янада юксак чўққиларни қўлаб меҳнат қилишяпти.

Биз «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг ҳамма ерида шарафли меҳнат завқини суриб, кузги ишларни амалга ошираётган азаматларни кўрдик.

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий номидаги колхоз ҳам Бўка районидаги илғор хўжаликлардан саналади. Колхоз азаматлари бу йил 1800 гектар майдоннинг ҳар гектаридан пландаги 27,5 центнер ўрнига 36,5 центнердан хирмон кўтариб, социалистик мажбуриятларини шараф билан адо этдилар. Етиштирилган 6550 тонна пахтанинг 6100 тоннаси биринчи сортларга топширилди. Ўтган йили бир центнер пахтанинг таннархи 41 сўмга тушган бўлса, бу йил 38 сўмга тушди. Сабаби, хўжалик механизаторлари механизациягга кенг ўрин бердилар. 5900 тонна пахта «зангори кема»ларда теріб олинди. Нусрат Сангинов, Ўта Сафаров, Ҳусан Деҳқонбоев сингари механизаторлар 200-250 тоннадан пахта теришди. Хўжалик бўйича ҳар бир терим машинаси билан ўртача 146 тоннадан дурдона терилди.

Хўжаликда 50 центнерчилик ҳаракати кенг қулоч ёзди. Бу ишда Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Саодат Гулаҳмедова бошлиқ бригада карвонбошилик қилди. Бригаданинг Тоғай Мусулмонов, Эрмамат Ашурматов сингари механизаторлари ерга чигит ташлашдан тортиб, йиғим-теримнинг охиригача унумли меҳнат қилишди. Қаҳрамон бошлиқ бригада аъзолари билан бир каторда борган Шарифжон Валижонов, Салим Раҳмонқулов, Азимхўжа Сангинов, Сафар Номозов, Чори Хўжамов ўртоқлар бошлиқ бригадалар ҳам юксак кўрсаткичларга эришдилар.

Пахта йиғим-терими тугаши биланоқ ерларга етарли миқдорда суперфосфат ва маҳаллий ўғит солиниб, шудгорлаш ишлари бошлаб юборилди. Абдураззоқ Жумабоев, Эркин Худоёров, Ҳайдар Тиллаев, Абдувоҳид Жўраев, Очил Қўлдошев, Бойтўра Жўраев сингари азаматлар тракторларини далаларга олиб чиқишди. Кунни тунга улаб меҳнат қила бошлашди. Ҳар куни 10-15 гектарга етказиб ер ҳайдашди.

Биз Ҳамза номли колхоз далаларини айланиб, бу ерда келгуси йилнинг улкан хирмони учун пухта ҳозирлик кўриларётганлигидан беҳад хурсанд бўлдик.

Бу йил Бўка райони пахтакорлари она-Ватанга 65 минг тонна «оқ олтин» армуғон этишди. Ҳосилдорлик гектаридан 30 центнерга етди. Район тарихида биринчи марта бундай муваффақиятга эришилди. Район партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Т. Исломов бу улкан муваффақият қандай қўлга киритилганлиги ҳақида мана шундай деди:

— КПСС XXV съезди белгилаб берган тарихий вазифаларни амалга ошириш учун пухта режалар белгилаб олдик. Ҳар бир партия ташкилоти, ҳар бир коммунист мана шу режаларни амалга ошириш учун сафарбар этилди. Кўп сонли коммунистларимиз ва комсомоллар партиямиз пленумлари қарорларини амалга оширишда жонбозлик кўрсатдилар. Партия сўзи ҳар бир пахтакор онгига етказилди. Шунинг учун ҳам меҳнатда янги-янги ғалабаларга эришавердик. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг Жиззах область Мирзачўл районидаги Абай номли совхознинг Расул Ҳайдаров бошлиқ бригадаси аъзоларига йўллаган мактуби пахтакорларимизнинг бир ғайратига ўн ғайрат қўшди. Бу мактуб оддий деҳқон меҳнатига берилган юксак баҳо эди. Яқинда яна бир шодиёна бўлди. Ўртоқ Л. И. Брежнев республикамиз меҳнаткашларини мажбуриятлар бажарилганлиги билан қутлади. Бу қутлов ва партиямиз Марказий Комитетининг октябрь Пленумида белгилаб берилган йўл-йўриқлар, Ўзбекистон Компартиясининг якинда бўлиб ўтган пленуми материаллари бундан буёнги ишларимизда қўлланма бўлиб қолади.

Бўка районидаги бошқа хўжаликларда ҳам ерларни шудгарлаш муваффақиятли тугалланди. Бундан кейинги ишлар ҳам бир меъёрида олиб борилмоқда. Район меҳнаткашлари эндиликда яна ҳам улкан хирмонни кўзлаб, унга шу кунданоқ пухта замин ҳозирламоқдалар.

Ж. МАҲМУДОВ,
«Совет Ўзбекистони» штатсиз мухбири.

У. ЮСУПОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

РАСМИЙ ВИЗИТ БИЛАН

Ливия Араб Республикаси Революцион қўмондонлик Кенгашининг раиси полковник Муамар Каддафи КПСС Марказий Комитети ва СССР Олий Совети Президиумининг таклифига биноан 6 декабрь куни расмий визит билан Москвага келди.

Ливия Араб Республикаси ва Совет Иттифоқининг давлат байроқлари билан безатилган аэродромда М. Каддафини КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, РСФСР Министрлар Совети Раиси М. С. Соломенцев ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Пойтахт меҳнаткашларининг вакиллари меҳмонни табрикладилар.

Фахрий қоровул бошлиги Муамар Каддафига рапорт берди. ЛАР ва СССР давлат гимнлари ижро этилди.

Н. В. Подгорний билан Муамар Каддафи фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Олий мартабали меҳмон автомашинага тушиб, мотоциклчиларнинг фахрий эскорти ҳамроҳлигида ўзи учун ажратилган қарорғоқ томон йўл олди.

(ТАСС).

ДЎСТОНА ВИЗИТ

Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Болгария Халқ Республикаси халқ мудофаа министри Д. Журовнинг таклифига биноан КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, СССР мудофаа министри Совет Иттифоқи Маршали Д. Ф. Устинов бошчилигидаги совет ҳарбий делегацияси 5 декабрда расмий дўстона визит билан Болгария Халқ Республикасига жўнаб кетди.

* * *

Шу куни делегация Софияга келди.

(ТАСС).

ДЕҲЛИГА БОРА ТУРИБ

Венгрия Халқ Республикаси Президиумининг Раиси Пал Лошонци Деҳлига бора туриб 6 декабрь куни Тошкентга кўниб ўтди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Н. Ж. Худойбердиев, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари Л. Н. Греков, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, республика ташқи ишлар министри М. Т. Турсунов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раисининг ўринбосари А. С. Абдалин, республика Олий Совети Президиумининг секретари Ҳ. М. Пўлатова, Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси В. О. Козимов, бошқа расмий кишилар ВХР, Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР давлат байроқлари билан безатилган Тошкент аэропортида П. Лошонцини ва унинг ҳамроҳларини кутиб олдилар.

(ЎзТАГ).

ИШЧИЛАР АВЛОДИНИ ТАЙЁРЛАШ ВА ТАРБИЯЛАШ—МУҲИМ ВАЗИФА

КПСС XXV съездининг халқ хўжалиги учун малакали кадрлар тайёрлаш борасидаги талабларини муваффақиятли бажариш борасида нималар қилиш керак? Ҳунар-техника билим юртларида ўқишни ишлаб чиқариш билан қандай қилиб мустаҳкам боғлаб олиб бориш, ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш ишларини қандай қилиб яхши йўлга қўйиш мумкин? 6 декабрь куни Тошкентда очилган ҳунар-техника таълими ва шу системадаги комсомол комитетлари ходимларининг Бутуниттифоқ семинари шу масалаларни қараб чиқди. Семинарда иттифоқдош республикалар ҳунар-техника таълими давлат комитетларининг, Москва, Ленинград шаҳарларининг, ўлка ва областлар ҳунар-техника таълими бошқармаларининг раҳбарлари, ВЛКСМ Марказий Комитетининг, иттифоқдош республикалар ЛКСМ Марказий Комитетларининг, ўлка ва область комсомол комитетларининг раҳбарлари қатнашмоқда.

КПСС XXV съезди қарорлари асосида ҳунар-техника таълими системасини такомиллаштириш тўғрисида СССР Министрлар Совети Ҳунар-техника таълими давлат комитети раисининг биринчи ўринбосари В. А. Саюшев доклад қилди.

Семинарда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари Л. И. Греков нутқ сўзлади.

Семинар бир неча кун давом этади. (ЎзТАГ).

БУНЁДКОРЛАР

Сирдарё ГРЭСи қурилишида

Сирдарё ГРЭСининг ишга туширилган тўртта энергия блоки қурилишида бой тажриба тўплаган бунёдкорлар шу кеча-кундузда бешинчи блокни ҳам жадал барпо этмоқдалар. Агар биринчи блок қозонини йиғишга 65 ишчи куни сарфланган бўлса, бешинчи блокда эса бу иш атиги 40 кундаёқ қўлдан чиқарилди. Ҳа, қурилишда ўз ишининг ажойиб усталари, ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг ҳаддини олган сергайрат кишилар меҳнат қилишяпти. Улар мамлакатимизнинг бир қанча электр станцияларини қуришда тажриба орттирган кишилардир. Бундай азаматларни «Средазэнергомонтаж» трестига қарашли коллективлар орасида кўплаб учратиш мумкин. Масалан, илғор монтажчи Эрифат Улановни олайлик.

Коммунист қурувчи Эрифат Уланов ҳозир злобинчи комплекс бригадага бошчилик қилади. Бригадада 52 киши ишлайди. Миллати ҳар хил. Ҳаммаси бир оила фарзандидай меҳнат қилишмоқда. Улар ишни 3 сменада ташкил қилишган. Натижада бешинчи блок монтажи илгариги блоклардан анча олдин, июнь ойида бошланди. Шу кунларда охирги созлаш ишлари бормоқда. Бошқача айтганда, графикдан 15 кун илгари топширишга ҳаракат қилишяпти.

Қурилишда Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган бинокор С. Колосов бошлиқ монтажчилар участкаси коллективи ҳам фидокорона тер тўкяпти. Қурувчилар ўнинчи беш йилликнинг дастлабки йилини меҳнат зафарлари билан якунлаш мақсадида кунлик ва ойлик топшириқларини 150-170 процентдан адо этишмоқда. Шу сабабли участка коллективи йил бошидан бери қурилиш бошқармаси ва партия ташкилотининг кўчма Қизил байроғини қўлдан бераётгани йўқ.

— Коллективимиз графикдан 15 кун илгарилаб кетди, — дейди участка бошлиғи С. Колосов, — биз бу ютуқларга социалистик мусобақани кенг йўлга қўйганлигимиз ва ишни тўғри ташкил қилганлигимиз натижасида эришдик. Шу кеча кундузда бутун диққат-эътиборни бешинчи энергия блокини Энергетиклар куни — 22 декабргача фойдаланишга топширишга қаратмоқдамиз.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг КПСС Марказий Комитети октябрь Пленумидаги ёрқин ва сермазмун нутқи қурувчи ва монтажчиларимизни янада яхшироқ меҳнат қилишга руҳлантирмоқда. Улар бу йилга мўлжалланган 17 ярим миллион сўмлик капитал маблағни муддатидан анча илгари ўзлаштиришга, шунингдек, бешинчи блокни муддатидан илгари топширишга аҳд қилганлар.

Шу кунларда гигант нурхона қурилишининг ҳамма участкаларида зўр ғайрат ва жўшқинлик ҳукмрон. Бунёдкорлар бешинчи блокнинг нур ва қудрат бера бошлайдиган кунини тобора яқинлаштиришяпти. Марра яқин! 22 декабрда Сирдарё ГРЭСининг бешинчи блоки ҳаракатга келиб, мамлакатимизнинг катта нур дарёсига яна бир ирмоқ келиб қўшилади.

М. САИДОВ.

ПЕШҚАДАМЛАР ЗАФАРИ

КИРОВ. Ватан хирмонига 62725 тонна «оқ олтин» топширилиб, халқ хўжалик планини ортиги билан адо этган район пахтакорлари кузги-қишки ишларни жадал олиб боришмоқда. Бу иш 12640 тонналик улкан хирмон кўтарган «Партия XX съезди», 16319 тонна «оқ олтин» йиғиб-теріб олган Октябрь революцияси орденли «Бешариқ» совхозларида яхши йўлга қўйилган. Киров номли совхоз 14340 тонналик пахта хирмони билан район ғалабасига муносиб ҳисса қўшди.

* * *

РОМИТАН. Район пахтакорлари 71801 тонна пахта топшириб, халқ хўжалик планларини бажардилар. Ҳосилнинг 80 проценти биринчи сортларга қабул қилинди, гектаридан урта ҳисобда 31 центнердан «оқ олтин» йиғиб олинди. Район меҳнаткашлари шу кунларда келгуси йил мўл ҳосили учун пухта замин яратишга киришганлар.

* * *

ЯНГИҚУРҒОН. Янгиқўрғон районининг деҳқонлари Наманган областида биринчи бўлиб ерни шудгорлаб бўлдилар. Ягона механизациялашган конвейер аниқ ишлаб туриши туфайли ишлар қисқа муддат ичида битказилди. Район далаларида 136 та трактор икки смена бўлиб группа методи билан ишлади. Бутун майдон ҳайдалиши олдидан унга минерал ўғит солинди.

Андижон сув омбори қурувчилари йил бошидан бери тўғонга 660 минг куб метр бетон ётқизиб, йиллик планни барвақт бажардилар. Бутуниттифоқ зарбдор комсомол қурилишида бир кеча-кундузда бетон ётқизиш бўйича энг юксак даражага эришилди — 4 минг куб метр бетон ётқизилди.

Уй-жой қуриш йиллик плани ҳам барвақт бажарилди: саҳни 11 минг квадрат метр уй-жой қуриб битказилди. Январгача яна 5 минг квадрат метр уй-жой битказиб топширилади.

* * *

«Наманганирстрой» трестига қарашли Задарё механизациялашган нўчма колоннасининг коллективи йиллик топшириқни барвақт бажарди. Мелиораторлар Марказий Фарғонада янгидан ўзлаштирилган 330 гектардан зиёд ерни суғорма деҳқончиликка топширдилар. 850 гектар экинзорнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди.

(ЎзТАГ).

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

6 декабрь куни меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Советининг сессияси бўлиб ўтди.

Депутатлар область ижроия комитетининг 1976 йилда қилган ишлари тўғрисидаги ҳисоботни қараб чиқдилар, 1976—1980 йилларда ва 1977 йилда область халқ хўжалигини ривожлантириш планларини, областнинг 1977 йилги маҳаллий бюджетини ва 1975 йилги бюджетнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқладилар.

(ЎзТАГ).

КПСС XXV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

ЙИЛИМИЗНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЯКУНЛАЙЛИК!

Муваффақиятни мустаҳкамламоқ учун бу йилни зарбдорларча тугаллаш керак. Ўртоқлар, йилнинг якунлари миқдор кўрсаткичлари жиҳатидан ҳам, маҳсулотнинг сифати, ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги жиҳатидан ҳам кўнгилдагидек бўлишига эришмоқ керак.

Л. И. БРЕЖНЕВ.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ
МУСОБАҚА — МИЛЛИОНЛАР ИЖОДИ
ДЕКАБРЬ 1976 ЙИЛ 10-11 (34)

МАЖБУРИЯТЛАРНИНГ БАЖАРИЛИШИНИ ТЕКШИРАМИЗ

ДАСТЛАБКИ ДОВОН МАСЪУЛИЯТИ

Совет кишилари КПСС Марказий Комитети октябрь Пленуми ва СССР Олий Совети бешинчи сессияси қарорларини катта қувонч билан кутиб олдилар. Ана шу муҳим ҳужжатларда беш йиллигимизнинг социалистик жамият буюк бунёдкорлик руҳи яққол акс этиб турибди. Партия XXV съезди ғояларидан куч-қудратга тўлган миллионлаб кишилар мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини янги босқичларга кўтариш учун социалистик мусобақани тобора авж олдирмоқдалар.

Хўжалик йилимизнинг тугашига саноқли ҳафталар қоляпти. КПСС XXV съезди ва Узбекистон Компартиясининг XIX съезди беш йиллик планнинг муваффақиятли адо этилишида 1976 йил натижалари муҳим роль ўйнайди, деб алоҳида таъкидлади. Бугунги кунда бутун куч ва имкониятлар ўнинчи беш йиллик дастлабки довонини мардонавор босиб ўтишга — 1976 йил топшириқларини ҳамма кўрсаткичлар бўйича зиёда адо этишга сафарбар қилишмоқда. Партиямизнинг самарадорликни ошириш, барча ишларимизнинг сифатини яхшилаш борасидаги талаби социалистик мусобақанинг бош шиорига айланиб қолди. Планларимизнинг эмас, олинган юксак социалистик мажбуриятларни ҳам шараф билан бажариш учун умумхалқ социалистик мусобақаси ажойиб натижалар бермоқда.

Республикамиз ишчилар синфи тўпланган тажрибаларга амал қилиб олинган социалистик мажбуриятларни ортиғи билан бажариш мусобақасида байроқдорлик қиляпти. Шу йилнинг бир ойи мобайнида Ўзбекистон индустрияси меҳнаткашлари катта ютуқларни қўлга киритдилар. Саноат маҳсулоти реализация қилиш плани 103,6 процент адо этилди. Саноат ишлаб чиқаришининг ҳажми 1975 йилнинг ўн бир ойидагига қараганда 5 процент ўсди. Меҳнат унумдорлиги 3 процент ортди. Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 62 процент ўсиши меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига бўлди.

Республикамизнинг барча областлари, Қорақалпоғистон АССР ва Тошкент шаҳри саноат маҳсулоти реализация қилиш топшириқларини бажардилар. Фан-техника ютуқларини жорий этиш, машина-ускуналардан, моддий ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишга қаратилган қатор тадбирлар амалга оширилди. Буларнинг ҳаммаси республика саноатининг ривожига катта ҳисса қўшмоқда.

Шуни айтиш керакки, баъзи саноат корхоналари ҳануз резервлардан тўла фойдаланмаётирлар, оқибатда мажбуриятлар у ёқда турсин, ҳатто давлат планлари ҳам бажарилмай қолмоқда. Самарқанд гўшт, Тахиатош нон маҳсулотлари комбинатлари, Наманган мебель фабрикаси, «Ўзбитхимпласт» ишлаб чиқариш бирлашмаси каби бир қанча корхоналар белгиланган планларни бажармадилар.

Республикамиз қурилиш ва монтаж ташкилотларининг бунёдкорлари тез, тежамли ва замонавий техника асосида қурилиш юзасидан КПСС XXV съезди кўрсатмаларини амалга ошира бориб, кўплаб ишлаб чиқариш ва маданий объектларни муддатидан илгари ишга туширишни таъминладилар. Ўтган йилнинг шу даврдагига қараганда анча кўп давлат капитал маблағлари ўзлаштирилди ҳамда қурилиш-монтаж ишлари адо этилди.

Эришилган ютуқлар билан бир қаторда, қурилиш-монтаж ташкилотлари олдида ҳали катта вазифалар турибди. Бу вазифаларни ҳал этмасдан туриб бинокорлик соҳасида йилимизни яхши якунлаб бўлмайди. Жумладан, баъзи қурилиш-монтаж ташкилотлари ишларнинг умумий ҳажми бўйича белгиланган планни ошириб бажармоқдалар-у, лекин ишга туширилдиган муҳим объектларда, уй-жойлар, болалар муассасалари, ўқув юртлари қурилишларида сусткашликка йўл қўймоқдалар.

Қурувчилар билан монтажчилар, бинокорлар билан таъминотчилар ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш лозим. Токи, бутун куч ва ғайрат келишиб олинган иш графигини бажаришга сафарбар этиладиган, белгиланган объектлар вақтида фойдаланишга топшириладиган бўлсин.

Партия, совет, касаба союз ташкилотлари ва хўжалик органларининг бугунги энг муҳим ва долзарб вазифаси 1976 йилни — беш йиллигимизнинг дастлабки йилини ҳамма соҳада муваффақиятли якунлашдан, фондлар самарадорлигини оширишдан, машина-ускуналар қуватидан мукаммал фойдаланишни таъминлашдан, сифат кўрсаткичларини яхшилаб боришдан, социалистик мусобақанинг амалий натижаларини кўпайтириб боришга эришишдан иборат.

ЯНГИ МАРРА САРИ

Кампирравот дарасида барпо этилаётган улкан гидротехника иншоати — Андижон сув омбори тўғонининг темир-метин деворлари тобора баландлаб бормоқда. Кунлик ва ойлик план топшириқларини мунтазам ошириб бажаришни одат қилиб олган гидроқурувчиларимиз янги-янги зафарларни қўлга киритмоқдалар. «Андижангидростой» қурилиш бошқармаси бўйича ўн бир ойлик план барча кўрсаткичлар бўйича муваффақиятли бажарилди.

Кейинги ойда бошқармада қурилиш бошлангандан буён мисли кўрилмаган катта натижага эришилди. Яъни, бир ойда 90 минг куб метрдан кўпроқ бетон қуйилди. Бу катта ғалабада бизнинг бошқармамиз коллективининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Улар Андижон сув омбори қурувчиларининг шу йил апрель ойида бўлиб ўтган партия-хўжалик активи йиғилишида қабул қилган юксак мажбуриятларини бажариш учун олиб бораётган мардонавор курашида актив иштирок этмоқдалар.

КПСС XXV съезди қарорлари ва ўнинчи беш йиллигининг биринчи йили топшириқларини бажариш йўлида астойдил меҳнат қилаётган бошқармамиз гидроқурувчилари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 59 йиллиги байрами арафасида қувончли натижани қўлга киритдилар. 1976 йил плани муддатидан илгари адо этилди. III давр ичида 9 миллион 632 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Бу, планда кўзда тутилганидан деярли 1,5 миллион сўмлик кўп, демакдир. Тўғонга 10 ой мобайнида қарийб 108 минг куб метр бетон ётқизилди.

ЗАРБДОР ҚУРИЛИШЛАР ИУҚЛАМАСИ

Йиллик планнинг муваффақиятли бажарилишида участкалар, бригадалар ва звенолар ўртасида социалистик мусобақа яхши ташкил этилганлиги муҳим роль ўйнади. 2-қурилиш участкасининг коллективи 5180 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажариб, бошқармада мусобақа ғолиби бўлди. Меҳнат Қизил Байроқ орденли Бектемир Нанаев, III даражали Меҳнат Шуҳрати орденли Александр Козодубов бошчилик қилаётган бригадалар коллективларининг меҳнатдаги жасорати таҳсинга лойиқ. Ишчилардан Юрий Коробейников, Абдуғаффоҳ Мирзабеков, Жамолиддин Тўрақулов ва Юрий Сисоевлар меҳнат намуналарини кўрсатиб ишламоқдалар.

Андижон сув омбори қурилишини жадаллатиш мақсадида «Ферганаводстрой» ва «Наманганводстрой» трестлари ёрдамга келдилар. Улар биттадан кўчма колонна ташкил қилиб иш бошлашди. М. Мамадалиев бошчилигидаги 3 ва А. Абдусаторов бошчилигидаги 7-механизациялашган кўчма колонна коллективлари йиллик план топшириқларини барвақт бажариб, ғалаба рапортига имзо чекдилар. Шунингдек, бизга пудратчи сифатида биркитилган «Гидроспецстрой», «Гидромонтаж» ташкилотлари ҳамда «Спецмонтажводстрой» трестининг 1-механизациялашган кўчма колоннаси коллективлари ҳам меҳнат ғалабамизга муносиб улуш қўшдилар.

КПСС Марказий Комитетининг октябрь Пленуми қарорлари ҳамда СССР Олий Совети V сессияси материалларини баланд руҳ билан қабул қилган бошқармамиз ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари ҳамда пудратчи ташкилотларнинг коллективлари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, йил охиригача яна 2 миллион 200 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажариш юзасидан ўз зиммаларига янги мажбурият қабул қилдилар. Бу, бизнинг жонажон Коммунистик партиямиз Марказий Комитети октябрь Пленуми қарорларига амалий жавобимиз бўлади.

А. МАМАДАЛИЕВ,
«Андижангидростой» бошқармаси 4-қурилиш-монтаж бошқармаси бошлиғи.

Тошкент подшипник ремонти заводида мураббийлик ҳаракатини ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Корхона шлифовка-йиғув цехининг мастери Ҳатам Муҳаммаджонов бу ҳаракатда актив иштирок этмоқда. Суратда: Ҳ. Муҳаммаджонов (ўнгда) шогирдлари Фарида Қосимова ва Алим Мамажоновлар билан.

И. Глауберзон фотоси.

МУДДАТИДАН ОЛДИН

КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежневнинг партия Марказий Комитети октябрь Пленумида сўзлаган оташин нутқи участкамиз коллективини ҳам янги зафарларга руҳлантириб юборди. Бинокорларимиз катта меҳнат ғалабасини қўлга киритдилар. Улар ўнинчи беш йиллик биринчи босқичи топшириқларини муваффақиятли бажариш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилиб, қурилиш-монтаж ишлари йиллик планини муддатидан икки ой олдин бажардилар. Пландаги 378,2 минг сўмлик ўрнига 475,7 минг сўм ҳажмида қурилиш-монтаж ишлари адо этиб, йиллик топшириқни 130 процентдан ошердик. Ҳозирга қадар 100 минг сўмликдан кўп қурилиш-монтаж ишларини бажариб қўйдик.

Ўртоқ Л. И. Брежнев Пленумда биз, бинокорларга қарата, Ватан сизларнинг уюшган меҳнат намуналари кўрсатишингизни ва план топшириқларини шараф билан бажаришингизни кутмоқда, бутун беш йиллигининг тақдири сизларнинг қандай ишлашингизга боғлиқ бўлади, дея мурожаат қилди. Участкамиз қурувчилари партия даъватига жавобан, ишга туширилаётган объектлар қурилишини тез суръатларда олиб бориш учун кураш мусобақасини қизитаверади.

С. ҲАЛИМОВ,
Бўз колхозлараро қурилиш ташкилоти монтажчиси.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҚОМАНДИРЛАРИ МИНБАРИ

ВАЪДА ВАФОСИ БИЛАН

Қутлуг ўнинчи беш йиллик биринчи йили тугашига саноқли ҳафталар қолди. Бепоён она-Ватанимизнинг миллионлаб совет кишилари каби автобазамиз коллективи халқ хўжалик топшириқларини муваффақиятли якунлаш учун интилмоқда. КПСС Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган октябрь Пленуми қарорлари ва Ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу Пленумда сўзлаган ёрқин ва сермазмун нутқи корхонамизда меҳнат активлигини янада жўш урдирди юборди. «Ўнинчи беш йилликда, — деб таъкидлади Ўртоқ Л. И. Брежнев, — мамлакатимиз олдида, партиямиз ва халкимиз олдида жуда катта, тоят мароқли ишлар турибди. Бу ишлар жуда ҳам масъулиятлидир. Ватанимизнинг куч-ғайрати, обрў-эътибори ва ғуллаб-яшнаши, ҳар бир оиланинг фароғати, ҳар бир совет кишисининг фаровон ҳаёти ва бахт-саодати бизнинг қандай ишлашимизга, белгиланган планларни қандай бажаришимизга боғлиқ».

Айтишим мумкинки, автобазамизнинг меҳнатсевар, аҳил коллективи яхши ишлаяпти. Йил бошларида ўнинчи беш йиллиқнинг дастлабки босқичи планини муддатидан бир ой илгари адо этиш, бу вақт ичида белгиланган манзилларга 381 минг тонна қурилиш материаллари етказиб бериш мажбуриятини олган эдик. Ваъда вафоси билан, дейди халқимиз. Автомобилчиларимиз КПСС XXV съезди ҳамда Ўзбекистон Компартияси XIX съезди тарихий қарорларини амалга ошириш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар. Натижада зиммамизга олган юксак социалистик мажбуриятни ўн бир ойда эмас, балки тўққиз ойда дўндиришга муваффақ бўлдик. Йиллик планда кўзда тутилган 381 минг тонна ўрнига 423 минг тонна халқ хўжалик юклари белгиланган манзилларига барвақт етказиб берилди. Биз бундай муваффақиятга автомашина ҳайдовчилари ва ремонтчи бригадалар ўртасида ўзаро социалистик мусобақани ҳар томонлама авж олдириш туфайли эришдик. Ўртоқларча ўзаро ёрдам, резервларни ҳамкорликда қидириш — социалистик мусобақанинг асосий йўналиши бўлиб қолди. Биз «Ўлар ташаббуси»га қўшилиб, фидокорона меҳнат намуналарини кўрсатаётган Валентин Семёнов, Даврон Тожибоев, Бахтиёр Мўминов, Расул Маҳкамов, Тетеус Шмитт, Ирис Ҳайдаров сингари илғор шоферларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Автомобиль корхоналарида машина паркидан фойдаланиш коэффициентини ошириш муҳим аҳамиятга эга. Буни яхши тушунган автобазамиз коллективи самарадорлик ва сифат беш йиллигида машиналарнинг узоқ муддат ремонтсиз ишлашини таъминлашга, ёқилғи ҳамда эҳтиёт қисмлардан тадбиркорлик билан фойдаланишга, энг муҳими, хавф-хатарсиз ва аварийсиз ишлашга қатъий бел боғлаган. Уларнинг юксак меҳнат унумдорлигига эришиш, ишлаб чиқариш интизоми ва тежамкорликка қатъий риоя қилиш, ўз иш сифатини қун сайин яхшилаб боришга интилиши изсиз қолмаяпти. Масалан, Петр Петухов, Қўчқор Ҳасанов, Михаил Красников сингари шоферларимиз ўз машиналари капитал ремонтсиз 400-500 минг тонна-километр йўл босишини таъминлашмоқдалар. Ўн бир ой ичида 8 тоннадан зиёд ёқилғи ва бошқа материаллар тежалди.

Автомашиналарнинг тўхтовсиз ишлашида ремонтчи усталарнинг ҳам муносиб улуши бор. Ишга ижодий ёндашиш, топширилган вазифанинг масъулиятини чуқур ҳис қилиш, ташаббускорлик кўрсатиш — кўпчилик ремонтчи усталарнинг шиорига айланган. Улардан темирчи Л. Александр, моторчи Қ. Мустафо, агрегат слесари В. Скаков каби ўз касбининг моҳир усталари бўлиб танилган ремонтчилар машиналарга техник хизмат кўрсатишда шоферларнинг кўрсатмига сазовор бўлмоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежнев октябрь Пленумида биз, транспортчиларга ҳам мурожаат қилиб, бу йилги муваффақиятларни мустаҳкамлашга ҳамда янги меҳнат ғалабалари сари тағин ҳам тез қадамлар билан олға боришга даъват этди. Рости, Леонид Ильич кўнглимиздаги гапларни айтди. Биз партия Марказий Комитети даъватига амалий иш билан жавоб бериш, КПСС XXV съезди ўртага қўйган улуғвор вазифаларнинг бажарилишига муносиб ҳисса қўшиш учун имкониятларимизни қайта кўриб чиқиб, аввалги мажбуриятларимизга тузатиш киритдик. Беш йиллик планни олдин мўлжал қилинганидек, тўрт ярим йилда эмас, балки тўрт йилда уддалашга ва 1976 йил охиригача планга қўшимча 100 минг тоннадан знёд халқ хўжалик юкларини тегишли объектларга этлиб беришга аҳду паймон қилдик. Ана шунда юк ташиш обороти 2 миллион тонна-километрга етади.

Автобазамиз коллективи бу мажбуриятларни ҳам шараф билан бажариш учун барча чорани кўряпти. Бу билан биз ўнинчи беш йиллиқнинг иккинчи йилида янада яхшироқ ишлаш учун мустаҳкам пойдевор яратган бўламиз.

Т. ШОДИМЕТОВ,
Гулистон шаҳридаги 2-автобаза бош инженери.

ИШЧИ МАКТУБЛАРИ

АҲДИМИЗ

Колоннамизнинг меҳнатсевар чўлқуварлари съездлар йилини муваффақиятли якунламоқдалар. Улар 1976 йил топшириқларини барча кўрсаткичлар бўйича зиёда адо этиш учун бутун куч ва имкониятларини сафарбар этмоқдалар. Съездлар йилида колоннамиз коллективи зиммасига бош пудрат бўйича 5 миллион 230 минг сўмлик ҳажмда иш бажариш юкланган эди. Биз социалистик мусобақани авж олдириб иш вақтидан, мавжуд техника воситалари ва резервлардан унумли фойдаланиб ўн ойдаёқ кўзланган маррадан ўзиб кетдик. Бу улкан ғалабада келаси йилнинг 3 ва 4-кварталлари ҳисобига тер тўкаётган касбдошларимиздан: бульдозерчилар Неъмат Ҳабибуллаев, Дадахон Эгамбердиев, экскаваторчилардан Рашид Ирисмамбетов, Неъмат Рахмонов, Равшан Тошпўлатовларнинг ҳиссаси каттадир. Натижада «Гулистон» ва Охунбобоев номли совхозларда 200 гектар янги ер муддатидан барвақт ўзлаштирилди. 300 гектар жинсорнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди.

Хўжалик йилининг тугалланишига саноқли кунлар қолди. Биз қўлга киритган муваффақиятларимизни мустаҳкамлаш учун имкониятларимизни қайта кўриб чиқдик. Шунга кўра йил охиригача яна анчагина янги ерни ўзлаштириш, 150 гектар майдонда ирригация ва мелиорация ишларини амалга ошириш, Катта Наманган канали иккинчи навбатидаги мураккаб монтаж ишларини бажариш мажбуриятини олган эдик. Ҳозир сўзимизнинг устидан чиқиш учун қатъий кураш олиб бормоқдамиз.

С. АБДУРАҲИМОВ,
Уйчи районидаги 3-механизациялашган кўчма колонна бульдозерчиси, Ўзбекистон Компартияси XIX съезди делегати.

ПУХТА ЗАМИН

Шу кунларда корхонамиз цехларига кирган киши ишчиларнинг эўр шавқ-завқ билан меҳнат қилаётганликларининг гувоҳи бўлади. Нега десангиз, районимиз заршуносларининг йил бўйи пешана териси билан етиштирилиб йиғиб олинган «ок олтин» дурдоналарини қайта ишлашдан, уларни тўқимачиларга аъло сифатли қилиб жўнатишдан ҳам завқлироқ иш борми дунёда?!

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва маҳсулот сифатини янада яхшилаш учун корхонамизда авж олиб кетган ўзаро социалистик мусобақада, айниқса, момиқ цехи коллективи яхши натижаларга эришаётир. Масалан, момиқчилар сентябрь ойида пландаги 120 тонна ўрнига 130 тонна сифатли маҳсулот тайёрлаб, планни 120 процентга етказган эдилар. Улар октябрь ва ноябрь ойлари топшириқларини ҳам кўнгилдагидек уддаладилар. Бу ютуқларимиз коллективимизнинг 1977 йилда ҳам муваффақиятли ишлашимизга пухта замин бўлади.

А. ХОЛБОЕВ,
Денов пахта тозалаш заводи слесари.

ФИДОКОРЛАР

Мен коллективимизга қарашли коммунист Саид Кешфединов етакчилик қилаётган 3-агрегат парматовчилари ҳақида ҳиқоя қилмоқчиман. Чунки, ер ости бойликларини аниқлаб, халқ хўжалиги эҳтиёжларига бўйсундиришда фидокорлик кўрсатаётганлар номига ҳар қанча илиқ гаплар айтса арзийди.

3-агрегат парматовчилари ноябрь ойида бир неча юз метр кон қазиш билан бирга анчагина ёқилғи ва энергия ресурсини тежаб қолишга эўз берган эдилар. Натижа эса кутилганидан аъло бўлди, бригада салкам ўн минг сўмлик ҳажмида иш бажариб, 378 метр кон қазишга эришди. Шундай экан, Камол Мелиев, Сервер Абдеминов, Раҳмат Нуронов каби ғайратли аъзолари бўлган бригаданинг 1976 йилни зарбдорларча тугаллашларига шубҳа қилмаса бўлади.

И. САЛОЕВ,
Ингичка кони геология-қидирув бўлими ишчиси.

ТАШАББУСНИНГ ТУҒИЛИШИ

БЕШ КУНЛИК ТОПШИРИҚНИ ТЎРТ КУНДА БАЖАРИШ ҲАРАКАТИНИ БОШЛАГАНЛАР ҲУЗУРИДА

Тошкент аэропортига қатновчи 25-маршрутли автобус темир йўлни кесиб ўтиши билан дарахтзорли кенг йўл бошланади. Ана шу «яшил зона» бўйлаб уч юз метрча юрилгач, қаршингизда граждан авиациясининг Ўзбекистон ССР 50 йиллиги номидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли авиаремонт заводи намоён бўлади.

Тошкентлик авиаремонтчилар «ИЛ» туркумидаги «ИЛ-14», «ИЛ-18» ва «ИЛ-62» самолётларининг моторларига иккинчи умр бағишлайдилар. Мотор қисмларга бўлинади, унинг барча деталлари ювилади, камчиликлари аниқланади, ремонт қилинади, синалади, яшикларга солиб, керакли жойларга жўнатилади.

Виктор Капранов бошлиқ слесарлар бригадаси аъзолари моторларни бўлакларга ажратишади. Бригадада ҳамма-си бўлиб беш киши бор. Бригадирнинг таржимаи ҳоли жуда қисқа. У Янгийўлдаги ўрта мактабларидан бирини тугатгач, 1968 йили авиаремонт заводига келди, слесарга шогирд тушди. Виктор шу ердан Совет Армияси safига чақирилди. 1972 йили ҳарбий хизматдан қайтгач, яна жонажон корхонасига келиб, мотор цехида меҳнат қилмоқда.

Виктор Капранов бригадасидаги ҳамкасблари: комсомоллар Аъзам Назаров ва Алим Баротов, завод ветерани Александр Шестаков ҳамда слесарь Владимир Кургаев ҳақида фахрланиб сўзлайди. Табиий, бизни бу кичик коллективнинг қандай ташкил топгани қизиктирарди.

— Ҳузуримга бир қанча ёш слесарларни юборишганди, — ҳикоя қилади бригада бошлиғи. — Лекин уларнинг меҳнатга муносабати мени қониқтирмади. Аъзам, Алим, Александр ва Владимирлар эса ҳақиқий меҳнаткаш. Ишга виждонан ёндашишади.

— «Беш кунлик топшириқни тўрт кунда бажарамиз!»— ташаббуси қандай туғилди? — сўраймиз ундан.

— Илгари коллективимизда беш нафар слесарь ва бригада бошлиғи бор эди, — тушунтирди Виктор Капранов.— Бригадиримиз бошқа ишга ўтгач, унинг ўрнига мени тайинлашди. Биз ўзаро маслаҳатлашиб, олти кишининг ишини беш ишчи уддалашга қарор қилдик. Хўш, ниманинг ҳисобига, деб сўрарсиз. Моторларни бўлакларга ажратиш технологиясини ўзгартирдик. Илгари олти киши қўлларига нима тушса, шу ишни бажаришарди. Биз, ҳар бир киши моторнинг маълум қисмларини ажратсин, деган қарорга келгандик. Яъни, ҳар бир слесарь «ўзиники»ни ажратиб, «бегоначики»га тегмайди. Бундай тартиб меҳнат унумдорлигини кескин ошириш имкониятини берди. Натижада нормадаги 8 та ўрнига 9 та, баъзан 10 та моторни қисмларга ажрата бошладик.

Капранов бригадаси бошлаган ташаббусни ёйишга шошилмадик.

— Биз юқоридаги усулда икки ой ишлаб кўргач, оз ишчи билан беш кунлик топшириқни тўрт кунда адо этиш мумкинлигига ишонгандан сўнггина, партия комитетига бордик, — деди Аъзам Назаров.

— Очиғини айтганда, — суҳбатга қўшилди партком секретари Роберт Файзуллович Гришин, — биз бу ташаббусни бошқа ишчилардан кутгандик. Бирдан Капранов, Баротов, Назаров, Кургаев ва Шестаковлар келиб, мақсадларини айтиб қолишди. Кутилмаган, аммо қувончли ҳол бўлди биз учун. Шундан кейин Тошкент шаҳар партия комитети бюроси Капранов бошлиқ бригада аъзоларининг ташаббусини маъқуллади. Тошкент корхоналарида ўнлаб ва юзлаб ишчилар ташаббусга қўшилишди.

Бригада аъзоларининг меҳнат фаолияти билан танишар эканмиз, КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежневнинг ЗИЛ автомобиль заводи коллективи митингида айтган қуйидаги сўзларини эсладик: «...Ҳозирги замон ишлаб чиқариши ҳар бир ходимнинг меҳнат жараёнидаги ўз ўрнини равшан тасаввур этишини, у ўзининг қайси ишни нима учун қилаётганлигини, ўзига нималар боғлиқ эканлигини билишини, ўзининг меҳнати умумий ишнинг зарур қисми эканлигини сезишини талаб қилади».

Капранов бошлиқ бригадада иш мана шу талаб асосида ташкил қилинган. Кичик, аммо аҳил бу коллективнинг ҳар бир аъзоси ўзига қандай топшириқ юклатилганини, бошқаларнинг муваффақияти ўзининг меҳнатига боғлиқ эканлигини чуқур ҳис қилади. Чунки, улар моторларни ўз вақтида қисмларга ажратишмаса, ремонтчилар иш бошлай олишмайди. Демак, ҳар бир слесарнинг меҳнати масъулиятли. Унинг меҳнати — умум ишнинг бир қисми. Бир ишнинг ютуғи бутун бригаданинг муваффақиятини таъминлай олади.

— Бригадиримиз ниҳоятда талабчан, — дейишади слесарлар. — Битта гапни икки марта айтмайди. Ишимиз сифати доим юқори бўлиши керак. Тўғрисини айтганда, виждонимиз ёмон ишлашга йўл қўймайди.

Ҳа, слесарларнинг бошлаган ташаббуси тасодифий эмас. Уларнинг меҳнатни малакали ташкил этиш, кичик механизация ва ускуналарнинг турли воситаларидан омилкорлик билан фойдаланиш ҳамда коллектив аъзоларидаги юксак онглилик меваси дир. Шу туфайли бригада қилиб топшириқни 125-130 процентга етказмоқда.

Ташаббуснинг қаноти бор, дейишади. Капрановчиларнинг: «Беш кунлик топшириқни тўрт кунда бажарамиз!» деган ташаббуси тобора кенг ёйилмоқда.

А. БУХОРБОЕВ.

МЎЛ ҲОСИЛ ГАРОВИ

КЕЛГУСИ ЙИЛ ҲОСИЛИГА ПУХТА ЗАМИН ҲОЗИРЛАЙЛИК.

Деҳқончилик маданиятини оширишга қаратилган агротехника тадбирлари системасида пахта етиштириладиган ерларни кузда ўз вақтида сифатли шудгорлаш алоҳида ўрин эгаллайди. Ер ўз вақтида сифатли шудгорланса, тупроқнинг ҳайдаладиган қатлами майни ҳолга келади, куз-қиш даврида ёққан ёғиннинг суви, Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд областлари ва Фарғона водийсидаги бир қатор районларда эса берилган яхоб сўви тупроқда кўпроқ сақланади. Сифатли шудгор бегона ўтлар уруғини тупроқнинг чуқурроқ қатламига тушириб кўмиб юбориш, ерга солинадиган ўғитни ўсимликнинг илдизи жойлашадиган қатламга тушириш имконини беради.

Ерни минерал ўғитлар солган ҳолда ўз вақтида сифатли шудгор қилиш экиш олди ишларини қисқа муддатда амалга ошириш, экишни ўз вақтида ўтказиш ва экилган уруғни барвақт ҳамда бир текис ундириб олиш учун зарур шароит вужудга келтиради.

Ғўза озиқланишининг биологик хусуситлари ҳам, унинг илдиз системасининг ривожланиш характери ҳам, Ўзбекистон тупроғи шароитида азотли, фосфорли, калийли ва маҳаллий ўғитларнинг озуқа моддасига айланиш жараёни ҳам ерни кузда шудгорлаш олдидан ўғитлашни тақозо этади.

Ерни шудгорлаш олдидан ўғитлаганда маҳаллий ўғитлардан тўғри ва кенг фойдаланиш деҳқончилик маданиятини ошириш, тупроқнинг унумдорлик кучини қайта тиклаш ва пахтанинг ҳосилдорлигини оширишнинг муҳим шарти ҳисобланади. Илғор хўжаликларнинг тажрибаси шуни кўрсатадики, минерал ўғитлар органик ўғитлар, хусусан, ғўғ билан бирга кўшиб ерга солинганида энг кўп самара беради.

Маҳаллий ўғитлар таркибида ўсимликнинг ҳаёти учун зарур бўлган барча озуқа моддалари мавжуддир. Маҳаллий ўғитлар тупроқдаги микроорганизмларнинг фойдали фаолиятини кучайтиради, тупроқнинг физик хусусиятини яхшилайди. Тажрибада шу нарса аниқланган—ерга маҳаллий ўғитлар билан бирга кўшиб солинмаган фосфорли ўғитларда турли хил ўзгаришлар юз берадики, бу ҳол карбонатли тупроқда фосфорли ўғитларнинг тез ўрнашиб қолишига ва биологик бирикмаларнинг озуқа моддасига айланиш жараёни ҳам ерни кузда шудгорлаш олдидан ўғитлашни тақозо этади. Фосфорли ўғитлар ўғ билан бирга кўшиб солинганида фосфатларнинг эриши кучаяди, ундан ўсимлик яхши баҳраманд бўлади.

Шу туфайли фан ерни шудгорлаш олдидан ўғитларнинг фосфорли-калийли ўғитлар билан бирга кўшиб солишни тавсия этади. Эскидан экин экилиб келинаётган ерларга, шунингдек, капитал равишда текисланган участкаларга фосфорли-калийли ўғитлар ўғ билан бирга кўшиб солинганда энг кўп самарадорликка эришилади. Тажриба шуни кўрсатадики, ерга яхши чириган ўғ солинганда пахтанинг ҳосилдорлиги гектар бошига 5-6 центнер ошади. Ўғнини бутун дала бўйлаб сочган ҳолда ерга бир текис қилиб солиш керак. Ўғнини ерни шудгорлашдан анча олдин солиш ва далага кичик-кичик уюм қилиб тўкиб кетиш ярамайди. Бу ҳолда ўғ таркибида аммиак сифатида мавжуд бўлган азот моддасининг кўп қисми йўқолиб кетади. Республикадаги айрим хўжаликларда ўғнини ҳайдалган ер тупроғининг чуқурроқ қатламига тушириб кўмиб кетиш ўрнига ернинг юзасига солиб кетиш ҳоллари ҳамон учрамоқда. Бу ўғитларнинг самарадорлиги камайишига ва ўғ таркибидаги азотнинг йўқолишига олиб келади. Шу сабабли ўғнини ерни ҳайдагандан кейин унинг юзига сочиб кетишга йўл қўйиш мутлақо мумкин эмас.

Ҳозирги вақтда хўжаликларда мавжуд бўлган барча ўғнини далага ташиб чиқариш ва уни кузги шудгор олдидан минерал ўғитлар билан бирга кўшиб ерга солиш зарур. Ерни кузда шудгорлаш олдидан органик ўғитлар билан бирга келгуси йил ҳосили учун планлаштирилган фосфорли ўғитлар йиллик нормасининг 60-70 процентини ва калийли ўғитлар йиллик нормасининг 50 процентигача бўлган қисмини солиш тавсия этилади. Шўри ювилмайдиган ёки шўр ювиш учун кўп миқдорда сув қуйилмайдиган ерларнинг ҳаммасини кузда фосфорли ўғитлар солган ҳолда шудгорлаш керак.

Гектарига 6000-8000 куб метр сув қўйган ҳолда тупроқнинг шўри бир неча марта ювиладиган ерларга фосфорли ўғитларни экиш олди даврида — ерни баҳорда ҳайдаганда ёки ер кузда ҳайдаган бўлса уни баҳорда чизеллаш олдидан солиш даркор.

Аммофос олган хўжаликлар ундан ерни кузда ҳайдаш вақтида кенг фойдаланишлари лозим. Мураккаб азотли-фосфорли ўғит бўлган аммофос таркибида 45-46 процентгача фосфор ва 11-12 процент азот мавжуд. Бу ўғит яхши физикавий-химиявий хусуситга эга бўлиб, унинг таркибидаги фосфорни тупроқ оддий суперфосфатга нисбатан сўст ўзлаштиради ва ундан ғўза яхши баҳраманд бўлади. Аммофос таркибидаги азот аммиак формасида бўлиб, у ювилиб кетмайди ва ўсимликлар томонидан яхши фойдаланилади. Суперфосфат каби аммофосни ҳам шўрланмаган ерларни ва тупроғининг шўрини ювиш учун кўп миқдорда сув қуйиш талаб қилинмайдиган ерларни кузда шудгорлаганда солиш керак. Аммофос самарадорлиги жиҳатидан оддий суперфосфатдан устун туради.

Ҳозирги вақтда республиканинг колхоз ва совхозларида тупроқ карталари ҳамда агрохимия картограммалари мавжуд. Ана шу тупроқ карталари ва агрохимия картограммалари ҳар бир хўжаликда минерал ўғитларни тўғри планлаштириш, тақсимлаш ва ерга солиш учун илмий асос ролини ўйнаши лозим. Айниқса, фосфорли ва калийли ўғитларнинг нормасини табақалаштириш муҳим аҳамиятга эга. Агрохимия картограммасининг маълумотлари бўйича бир килограмм тупроғининг таркибида 16 миллиграммдан 30 миллиграммгача фосфор бўлган ерларнинг гектарига солинадиган фосфорли ўғитларнинг йиллик нормаси ўртача норма ҳисобланиб, унинг миқдори ҳосилдорлик даражасига қараб белгиланади. Бир килограмм тупроғининг таркибида 31 миллиграммдан 45 миллиграммгача фосфор бўлган ерларнинг гектарига солинадиган фосфорли ўғитларнинг йиллик нормаси ўртача нормадагидан 25 процент, бир килограмм тупроғининг таркибида 46 миллиграммдан 60 миллиграммгача фосфор бўлган ерларнинг гектарига солинадиган фосфорли ўғитларнинг йиллик нормаси эса ўртача нормадагидан 50 процент камайтирилиши лозим. Бир килограмм тупроғининг таркибида 60 миллиграмм ва бундан ортиқ фосфор бўлган ерларнинг гектарига солинадиган фосфорли ўғитларнинг йиллик нормасини камайтириб, ўртача нормаларнинг 25 проценти миқдорига келтириш керак. Бундай ерларга фосфорли ўғитлар кузги шудгорлаш олдидан солинмаслиги лозим. Бир килограмм тупроғининг таркибида 15 миллиграммдан кам ҳаракатчан фосфор бўлган далаларнинг гектарига солинадиган фосфорли ўғитларнинг йиллик нормасини ўртача нормага нисбатан 25 процент ошириш зарур.

Ерни шудгорлаш олдидан солинадиган калийли ўғитлар миқдорини ҳам ана шу зайлда табақалаштириш лозим. Масалан, тупроғи калийга камбағал ва унинг бир килограмми таркибидаги калийнинг миқдори 100 миллиграммгача бўлган участкаларнинг гектарига солинадиган калийли ўғитларнинг йиллик нормасини ўртача нормага нисбатан 25 процент ошириш, бир килограмм тупроғининг таркибида 101 миллиграммдан 200 миллиграммгача калий бўлган участкаларнинг гектарига калийли ўғитларнинг ўртача йиллик нормасини солиш, бир килограмм тупроғининг таркибидаги калийнинг миқдори 201 миллиграммдан 300 миллиграммгача бўлган участкаларнинг гектарига солинадиган калийли ўғитлар йиллик нормасини ўртача нормага нисбатан 25 процент, бир килограмм тупроғининг таркибидаги калийнинг миқдори 300 миллиграммдан 400 миллиграммгача бўлган участкаларнинг гектарига солинадиган калийли ўғитларнинг йиллик нормасини эса ўртача нормага нисбатан 50 процент камайтириш, калий билан яхши таъминланган ва бир килограмм тупроғининг таркибидаги калийнинг миқдори 400 миллиграммдан ортиқ бўлган участкаларнинг гектарига солинадиган калийли ўғитларнинг йиллик нормасини камайтириб, ўртача норманинг 25 проценти миқдорига келтириш ва уни ўғ ҳамда фосфорли ўғитлар билан бирга кўшиб солиш тавсия этилади.

Фосфорли ва калийли ўғитларни агрохимия картограммалари асосида табақалаштириб қўлланиш хўжаликдаги мавжуд минерал ўғитлар запасидан рационалроқ фойдаланиш имконини беради.

Ўғитларнинг самарадорлиги уларни ерга бир текис солиш ва тупроқнинг остки қатламига тушириб кўмиб кетиш усулига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Ўғит ерга бир текис тушишига эришиш мақсадида уни солишдан олдин майдалаш ва тешигининг катталиги 5 миллиметрдан иборат ғалвир билан элаш лозим. Ўғитларни ерга ўғит солувчи аппаратлар ва сеялкалар, ўғ ва бошқа маҳаллий ўғитларни эса ўғ сочувчи аппаратлар ёрдамида солиш керак. Минерал ўғитларнинг барча ер майдонига ўз вақтида солинишини таъминлаш учун «Сельхозтехника» омборларидан зарур миқдордаги ўғитларни ташиб олишни тезлаштириш, ерга ўғит солиш учун керакли миқдордаги техника ва механизмларни тайёрлаш, кадрларни ўқитиш лозим. Минерал ўғитларни ҳар бир участкага норма ва турлар бўйича тақсимлашнинг аниқ планини олдиндан ишлаб чиқиш даркор.

Ерни сифатли қилиб ҳайдашга боғлаб олиб борилаётган асосий ишлар вақтида минерал ўғитлардан тўғри ва ўз вақтида фойдаланиш келгуси йил мўл ҳосилининг гаровидир.

Ф. Ф. ЛИСЕНКО,
Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги химиялаштириш бошқармасининг бошлиғи.
М. А. СОРОКИН,
СоюзНИХИ директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари.
Н. Н. ЗЕЛЕНИН,
СоюзНИХИ ўғитлар бўлимининг мудири.
А. А. МАВЛОНОВ,
Қишлоқ хўжалигига агрохимия хизмати кўрсатиш марказий институти Тошкент филиалининг директори.
Б. Н. КАТАЕВ,
Қишлоқ хўжалигига агрохимия хизмати кўрсатиш марказий институти Тошкент филиали лабораториясининг мудири.

ПЛАНЕТАМИЗДА

КУБА МИЛЛИЙ АССАМБЛЕЯСИНИНГ СЕССИЯСИДА

ГАВАНА, 4 декабрь. (ТАСС мухбирлари). Куба парламенти — Халқ ҳокимияти Миллий ассамблеясининг биринчи сессияси туғади. Мамлакатнинг янги конституциясига мувофиқ сессия Куба Республикасининг давлат кенгашини сайлади. Давлат кенгаши сессиялар ўртасидаги даврда миллий ассамблея вазифасини бажариб, ассамблея қабул қилган қарорларни амалга оширади. Давлат кенгаши мамлакат ичида ва халқаро майдонда Куба давлатининг олий коллегиал вакилидир.

Давлат кенгашининг раиси ва ҳукумат бошлиғи сифатида Фидель Кастро Рус Куба Республикаси Министрлар Советининг составини тўғрисидаги таклифни ассамблея депутатларининг тасдиғига киритди. Бу таклиф якдиллик билан қабул қилинди.

Фидель Кастро Рус Министрлар Советининг раиси, Рауль Кастро — Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари, Освальдо Дортикос, Карлос Рафаэль Родригес, Рамиро Вальдес, Гильермо Гарсиа, Жоэль Доменч, Флавио Браво, Дноклес Горральба, Беларминио Кастилья раис ўринбосарлари қилиб сайландилар. Рауль Кастро Революцион қуролли кучлар министри лавозимини эгаллади, Испдоро Мальмиерка ташқи ишлар министри қилиб тайинланди.

Чет эллик меҳмонлар Миллий ассамблея депутатларини самимий табрикладилар. СССР Олий Совети делегациясининг бошлиғи, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси, КПСС Ленинград область комитетининг биринчи секретари Г. В. Романов сессияда нутқ сўзлади. У Л. И. Брежнев, Н. В. Подгорний, А. Н. Косигин, ўртоқларнинг Куба Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Куба Республикаси Давлат Кенгашининг раиси, Министрлар Советининг раиси Фидель Кастро Русга йўллаган табрик телеграммасини ўқиб берди. Депутатлар бу табрикномани давомли қарсаклар билан кутиб олдилар.

Г. В. Романов Куба Республикаси халқ ҳокимиятининг Миллий ассамблеясига гулдурос қарсаклар остида СССР Олий Совети номидан эсдалик совға—«В. И. Ленин Советларнинг II Бутунроссия съездида совет ҳокимиятини эълон қилмоқда» картинасини топширди.

Миллий ассамблея раиси Блас Рока ассамблеянинг биринчи сессиясини ёпа туриб, бундай деди:

Миллий ассамблея давлат ҳокимияти органларини сайлаб, катта ва мураккаб вазифаларни ҳал қилишга тайёрдир. Бундай масалалар орасида давлат бюджетини, мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантириш планини, жамият талабларига мос бўлиб тушадиган янги қонунлар ва кодексларни қабул қилиш масалалари бор. Жамиятимиз Куба Коммунистик партияси раҳбарлигида социализм қуриш йўлидан оғишмай олға бормоқда. Миллий ассамблея социалистик демократиянинг тинимсиз ривожлантириши, давлат қарорларини қабул қилганда ва халқ ҳокимияти органларининг фаолиятини назорат қилганда халқ оммасининг иштирокини доимо кенгайтириш, социалистик қонунчиликни мустаҳкамлашга ҳар томонлама кўмаклашиши лозим.

Бизнинг фаолиятимиз муваффақият қозониши учун ҳамма энг муҳим нарсаларга эгамиз. Бу — партиямизнинг, партия Марказий Комитетининг, ўртоқ Фидель Кастро бошчилигидаги партия Марказий Комитети Сиёсий бюроси ва Марказий Комитет секретариатининг қароридир.

О. КОЛЕСНИКОВ,
Н. ЧИГИРЬ.

Л. И. БРЕЖНЕВ АСАРЛАРИ ФРАНЦИЯДА НАШР ЭТИЛДИ

ПАРИЖ, (ТАСС). Париждаги «Эдисьон де табль ронд» нашриёти «Дунё ва унинг келажаги» сарлавҳаси остида Л. И. Брежневнинг халқаро сиёсат масалаларига оид нутқлари тўпламини босмадан чиқарди. Китобда Совет Иттифоқи ташқи сиёсатининг асослари; тинчлик йўллари; халқаро хавфсизлик ва ядро қуролсизланиши; СССРнинг Европадаги сиёсати; СССРнинг социалистик давлатлар билан ва ғарбдаги етакчи давлатлар билан муносабатлари деган бўлимлар бор.

Франциядаги энг йирик «Плон» нашриёти ҳам Л. И. Брежнев нутқлари текстларининг тўпламини тайёрламоқда. Бу тўплам яқин вақт ичида босмадан чиқарилади.



Югославия Социалистик Федератив Республикаси. Баня Лукадаги «Руди Чаевец» радио заводида янги рангли телевизор ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Телевизор экранининг диагонал бўйича узунлиги 69 сантиметр.

Суратда: радио заводининг цехларидан бири.

ТАНЮГ — ТАСС фотоси.

ҲАЁТ ИЗИГА ТУШИБ БОРМОҚДА

БАЙРУТ, 6 декабрь. (ТАСС). Ливан президенти И. Саркис мамлакатнинг сиёсий арбоблари, савдо-саноат ва молия доираларининг вакиллари билан тез-тез маслаҳатлашиб турибди. Маҳаллий газеталарнинг хабар беришича, иқтисодий, сиёсий ва социал жиҳатдан мамлакатни урушдан кейинги тиклаш тўғрисидаги масала диққат марказида турибди. Шунингдек янги ҳукуматнинг составига кўрсатиладиган номзодлар муҳокама қилинмоқда.

Мамлакатда 19 ой давом этган гражданлар уруши туфайли тамомила изидан чиқарилган савдо-сотиқ ишлари яна бошланиб кетди. Байрут денгиз портининг тиклаш ишлари олиб борилмоқда, дастлабки юк кемалари қатнай бошлади.

Айрим террорчи группалар Ливанда тинчликни тиклашнинг жадал жараёнига ҳалақит беришга уринмоқдалар. Кеча тушдан кейин Байрутнинг ғарбий районларидан бирида, Ливан прогрессив социалистик партияси раиси К. Жумблатнинг уйидан тахминан юз метр нарида портлаш юз берди. Улганлар ва ярадорлар бор. Шу портлаш чоғида Жумблатнинг ўзи шаҳарда йўқ эди. Хавфсизлик кучлари ярадорларга ёрдам бердилар ва дарҳол тартиб ўрнатдилар.

АНГЛИЯ ГАЗЕТАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ҲАҚИДА ЁЗГАНЛАРИ

ЛОНДОН. Англияда чиқадиган «Файнэншл таймс» газетасининг мухбири Д. Сэттернинг мақоласида ўзбек халқининг янги ҳаёт барпо этиш соҳасида эришган катта муваффақиятлари тўғрисида ҳикоя қилинади. Д. Сэттер яқинда Ўзбекистон ССРга бориб келган эди.

Ярим аср муқаддам бу республикада деярли ҳеч қандай саноат йўқ эди, деб ёзади у. Бугунги кунда эса бутун ишлаб чиқаришнинг 58 процентини машинасозлик, қора ва рангли металлургия, радиотехника, электроника, тўқимачилик саноати сингари муҳим тармоқларнинг маҳсулоти ташкил этади. Ўзбекистон экономикасининг ривожланганлиги, деб давом этади Д. Сэттер, чуқур социал ўзгаришларга олиб келди: революциягача аҳолисининг фақат 2 проценти ўқиш ва ёзишни билган ўлкада ёпасига саводхонликка эришилди. Одамларнинг сиҳат-саломатлиги тўғрисида давлат доимий ғамхўрлик қилганлиги, медицина хизмати системасининг яхшиланганлиги туфайли республикада ўртача умр кўриш аввалги 32 ёшдан 72 ёшгача етди. Меҳнаткашларни замонавий уй-жойлар билан таъминлаш программаси муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Мақолада республика ҳаётида хотин-қизлар жуда катта роль ўйнаётганлиги таъкидлаб ўтилади. Бир вақтлар паранжи ёпинмай қўчага чиқишга жўрият этолмаган хотин-қизлар ҳозирги Ўзбекистонда янги жамият барпо этишда эркаклар билан бир қаторда фаол иштирок этмоқдалар: ўқитувчилар ва врачларнинг 76 проценти хотин-қизлардан иборат, КПСС аъзоларининг бешдан бир қисми хотин-қизлардир.

Бу кўп миллатли республика иқтисадиётининг гектарига калийли ўғитларнинг ўртача йиллик нормасини солиш, бир килограмм тупроғининг таркибидаги калийнинг миқдори 201 миллиграммдан 300 миллиграммгача бўлган участкаларнинг гектарига солинадиган калийли ўғитлар йиллик нормасини ўртача нормага нисбатан 25 процент, бир килограмм тупроғининг таркибидаги калийнинг миқдори 300 миллиграммдан 400 миллиграммгача бўлган участкаларнинг гектарига солинадиган калийли ўғитларнинг йиллик нормасини эса ўртача нормага нисбатан 50 процент камайтириш, калий билан яхши таъминланган ва бир килограмм тупроғининг таркибидаги калийнинг миқдори 400 миллиграммдан ортиқ бўлган участкаларнинг гектарига солинадиган калийли ўғитларнинг йиллик нормасини камайтириб, ўртача норманинг 25 проценти миқдорига келтириш ва уни ўғ ҳамда фосфорли ўғитлар билан бирга кўшиб солиш тавсия этилади.

Фосфорли ва калийли ўғитларни агрохимия картограммалари асосида табақалаштириб қўлланиш хўжаликдаги мавжуд минерал ўғитлар запасидан рационалроқ фойдаланиш имконини беради.

Ўғитларнинг самарадорлиги уларни ерга бир текис солиш ва тупроқнинг остки қатламига тушириб кўмиб кетиш усулига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Ўғит ерга бир текис тушишига эришиш мақсадида уни солишдан олдин майдалаш ва тешигининг катталиги 5 миллиметрдан иборат ғалвир билан элаш лозим. Ўғитларни ерга ўғит солувчи аппаратлар ва сеялкалар, ўғ ва бошқа маҳаллий ўғитларни эса ўғ сочувчи аппаратлар ёрдамида солиш керак. Минерал ўғитларнинг барча ер майдонига ўз вақтида солинишини таъминлаш учун «Сельхозтехника» омборларидан зарур миқдордаги ўғитларни ташиб олишни тезлаштириш, ерга ўғит солиш учун керакли миқдордаги техника ва механизмларни тайёрлаш, кадрларни ўқитиш лозим. Минерал ўғитларни ҳар бир участкага норма ва турлар бўйича тақсимлашнинг аниқ планини олдиндан ишлаб чиқиш даркор.

Ерни сифатли қилиб ҳайдашга боғлаб олиб борилаётган асосий ишлар вақтида минерал ўғитлардан тўғри ва ўз вақтида фойдаланиш келгуси йил мўл ҳосилининг гаровидир.

Ф. Ф. ЛИСЕНКО,
Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги химиялаштириш бошқармасининг бошлиғи.
М. А. СОРОКИН,
СоюзНИХИ директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари.
Н. Н. ЗЕЛЕНИН,
СоюзНИХИ ўғитлар бўлимининг мудири.
А. А. МАВЛОНОВ,
Қишлоқ хўжалигига агрохимия хизмати кўрсатиш марказий институти Тошкент филиалининг директори.
Б. Н. КАТАЕВ,
Қишлоқ хўжалигига агрохимия хизмати кўрсатиш марказий институти Тошкент филиали лабораториясининг мудири.

ЖАҲОН МАТБУОТ САҲИФАЛАРИДА

Куба ва бошқа чет мамлакатларнинг матбуоти КПСС ва Совет давлатининг раҳбарлари Л. И. Брежнев, Н. В. Подгорний, А. Н. Косигин ўртоқларнинг Куба Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Куба Республикаси Давлат Кенгашининг Раиси, Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Фидель Кастро Русга унинг Куба Республикаси Давлат Кенгаши Раиси юксак ва масъулиятли лавозимига сайланиши муносабати билан йўллаган табрикномасининг тўлиқ ёки батафсил баёнини эълон қилишган. Газеталар табрикномадаги Кубада халқ ҳокимияти органларига чинакам демократик сайлов сиёсий жўшқинлик вазиятида ўтди, Коммунистик партия билан халқ мустаҳкам бирлигининг ёрқин намойишига айланди, сайлов якунлари Куба халқи Куба Коммунистик партияси I съезди тарихий қарорларини қизғин қўллаб-қувватлаётганлигининг яна бир далили бўлди ,деган сўзларни бўрттириб кўрсатмоқда.

Матбуот Куба Республикаси Давлат Ҳокимиятининг яқинда сайланган олий органи бўлган халқ ҳокимияти Миллий ассамблеяси биринчи сессияси ишини батафсил ёритмоқда.

* * *

Чет эл матбуоти шу йил декабрь ойининг биринчи ярмида Софияда Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар мудофаа министрлари комитетининг мажлиси ўтказилишини хабар қилиб, бу мажлисда Варшава Шартномаси ҳарбий органларининг ҳозирги фаолияти масалаларини муҳокама қилиш ва доим тайёр эканликларини изҳор қилдилар.

ГДРда чиқадиган «Трибюне» касаба союз газетаси Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Сиёсий Маслаҳат Комитети мажлисининг якунларини шарҳлаб бундай деб ёзади: Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатларнинг Хельсинкидаги Якунловчи актни имзолаган барча давлатларга таклиф қилган бир-бирига қарши ядро қуролини биринчи бўлиб ишлатмаслик тўғрисидаги шартнома лойиҳаси ва Бухарестда якдиллик билан қабул қилинган Декларация Варшава Шартномасига кирувчи социалистик мамлакатларнинг тинчликни янада мустаҳкамлашга ва кескинликни юмшатишни кучайтиришга қаратилган изчил йўлини акс эттиради, барча халқларнинг ҳаётий манфаатига мос бўлиб тушади.

Бухарест кенгашининг якунлари, деб таъкидлайди газета, социалистик мамлакатлар кескинликнинг юмшатилишини кучайтириш ва уни ҳарбий соҳадаги кескинликнинг юмшатилиши билан тўлдириш учун нақадар жиддий иш олиб бораётганликларини яна бир бор кўрсатди.

Польшада чиқадиган ҳафталик «Перспективи» газетаси қуйидагиларни ёзади: социалистик давлатлар янги таклифлар билангина чекланиб қолмасдан, улар халқлар тинчлиги ва хавфсизлигини мустаҳкамлашга қаратилган ҳар қандай таклифни ғарб мамлакатлари билан муҳокама қилишга доим тайёр эканликларини изҳор қилдилар.

РКП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИДА

РКП Марказий Комитети Сиёсий Ижроия Комитетининг бу ерда бўлиб ўтган мажлисида РКП Бош секретари Н. Чаушеску КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг Руминияга қилган дўстона визити якунлари тўғрисида ахборот берди.

Сиёсий Ижроия Комитет Н. Чаушеску билан Л. И. Брежнев ўртоқлар ўртасидаги учрашувлар, бевосита алоқалар ва музокаралар Руминия—Совет муносабатларини ривожлантириш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини қайд қилиб, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг Руминияга қилган визити кенг фикрлашиб олинганлиги туфайли, эришилган битимларнинг муҳимлиги ва аҳамияти жиҳатидан партияларимиз, мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги юксалиб бораётган дўстлик ва кўп қиррали ҳамкорликни ривожлантиришда тарихий палла бўлганлигини таъкидлади.

Сиёсий Ижроия Комитет КПСС билан РКП, Совет Иттифоқи билан Руминия ўртасидаги ҳамкорлик ва қардошларча дўстликни яна да ривожлантириш тўғрисидаги баёнот ҳамда дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги Шартнома қоидалари руҳида РКП билан КПСС, Руминия билан Совет Иттифоқи ўртасидаги алоқалар бундан буён ҳам ривожланаверади, иқтисодий ҳамкорлик, ишлаб чиқаришни кооперациялаш ва ихтисослаштириш, фан ва техниканинг муҳим соҳаларида, санъат ва маданият соҳасида ҳамкорлик қилиш, социалистик ва коммунистик қурилишда тажриба алмашиш, марказий ва маҳаллий партия ва давлат органлари, оммавий ва жамоат ташкилотлари вакилларининг, ҳар икки мамлакат меҳнаткашларининг бир-бирларига визитлари кенгайтирилаверади, Румин—Совет дўстлиги мустаҳкамланаверади, деб ишонч билдиради.

РКП Марказий Комитетининг Сиёсий Ижроия Комитети эришилган битимларни амалга ошириш юзасидан тадбирий чоралар кўриб, РКП билан КПСС ўртасидаги, Руминия билан Совет Иттифоқи ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликнинг ҳам икки томонлама, ҳам халқаро майдонда ривожланиши румин ва совет халқларининг манфаатларига, социализм ва коммунизм қуриш ишига, социалистик мамлакатларнинг бирлигига, бутун дунёда социализм ва тинчликнинг муштарак ишига хизмат қилади, деб ҳисоблайди.

Сўнгра Сиёсий Ижроия Комитет Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Сиёсий Маслаҳат Комитетининг 25-26 ноябрь кунлари Бухарестда ўтказилган кенгаши якунларини қараб чиқди.

Сиёсий Ижроия Комитет кенгаш якунларидан, унинг ички конструктив руҳда, ҳурмат ва ўртоқларча ҳамкорлик вазиятида ўтганлигидан мамнун эканлигини билдиради. Сиёсий Ижроия Комитет кенгашда қабул қилинган Декларация Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Европада ва бутун дунёда кескинликни юмшатишга, ҳамкорлик ва тинчликка эришиш ишига актив ҳисса қўшишга изчиллик билан интилаётганликларини ўқтириб ўтди. Сиёсий Ижроия Комитет Декларация ва кенгашда қабул қилинган бошқа ҳужжатлар умумий куч-ғайрат сарфлаб, қитъамизда хавфсизликни таъминлаш йўлида янги конкрет қадамлар қўйиш имкониятини очиб беради, деб ҳисоблайди.

Сиёсий Ижроия Комитет Европада хавфсизликнинг ва кескинликнинг юмшашини таъминлаш мақсадида, Умумевропа Кенгаши Якунловчи акти қоидаларининг бутун комплексини тўла бажариш манфаатлари йўлида конкрет тадбирларни амалга ошириш ва 1977 йилда Белградда ўтказиладиган учрашувга пухта тайёргарлик кўриш мақсадларида барча социалистик мамлакатларнинг, тараққийпарвар ва демократик кучларнинг, барча халқларнинг бундан буён ҳам куч-ғайрат сарфлашлари зарурлигини таъкидлаб ўтди.

Сиёсий Ижроия Комитет РСР қитъамизда мустаҳкам хавфсизликни, барча халқлар ўртасида кенг ҳамкорликни таъминлаш мақсадида Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар билан, барча социалистик мамлакатлар билан ўзининг ҳамкорлигини мустаҳкамлайди, деб ўқтириб ўтди. Айни маҳалда РСР ривожланаётган ва қўшилмаган мамлакатлар билан, иқтисодий тузуми қандай бўлишидан қатъий назар, барча давлатлар билан ҳамкорлигини кучайтираверади.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

◆ **РИМ.** Италияда шу йил октябрь ойида бундан аввалги ойга нисбатан улгуржи нархлар 2,5 процент ошди. Марказий статистика институти маълумотларига кўра, мамлакатда улгуржи нархлар шу йилнинг бутун ойлари мобайнида тўхтовсиз ўсиб бормоқда.

◆ **ОТТАВА.** Канадада янги Стокгольм Хитобномасига имзо тўплаш кампанияси давом этмоқда. Мамлакатдаги энг йирик касаба союз, студентлар ва хотин-қизлар ташкилотлари шу Хитобномани қўллаб-қувватлаб чиқдилар. Тинчликни ҳимоя қилиш Канада конгрессининг маълумотларига кўра, қуролланиш пойгасининг тўхтатилиши, халқаро кескинликнинг юмшатилиши учун канадаликлардан 1 миллион 200 минг киши ана шу Хитобнома тагига имзо чеккан.

◆ **БАҒДОД.** Ироқ Республикасида меҳнатнинг коллектив шаклларини ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда. Қишлоқ хўжалиги ва ер ислоҳоти министрлиги мамлакатдаги 9 вилоятда қишлоқ хўжалик кооператив хўжаликларини ташкил қилиш учун яна 27 лицензия берди.

Ҳозирги вақтда Ироқда 1.747 кооператив бўлиб, уларга 367 минг фаллоҳ бирлашган. Бу кооперативлар қарамоғида салкам 19 миллион донум (бир донум 0,25 гектарга баравар) ер бор.

◆ **ДЕҲЛИ.** Ҳиндистондаги катта «Пауэр тулз» станокозлик фирмасининг раиси Р. Н. Дасс бундай деди: Совет Иттифоқи станокозлиги ишлаб чиқаётган маҳсулот юқори сифатли ва энг замонавий техникавий даражада эканлиги туфайли Ҳиндистонда шу маҳсулотга бўлган талаб кунданкунга ошиб бормоқда. Ҳиндистон саноатининг турли тармоқларида Совет Иттифоқида тайёрланган ўнлаб хилма-хил станоклар ишлатилмоқда ва Ҳиндистонда шу станокларга бўлган эҳтиёж доимо ўсиб бормоқда. У Деҳлида СССР миллий кўргазмасида уюштирилган матбуот конференциясида нутқ сўзлаб, шу гапларни айтди. Кўргазма ишлаб турган кунларда Ҳиндистонга 7,5 миллион рупиялиқдан кўпроқ станок ва ускуналар етказиб бериш тўғрисида тузилган битимлар имзоланди.

(ТАСС).

Р. АРИСМЕНДИНИНГ АЙТГАНЛАРИ

БЕРЛИН, 6 декабрь (ТАСС). Уругвай Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Родней Арисменди «Нойес дойчланд» газетаси мухбири билан суҳбат қилиб, Уругвайда кучли кризис ҳукм сураётганлигини ўқтириб ўтди. Мамлакат экономикасига жиддий шикаст етказилган. Нархнаво тобора ошиб бормоқда. Уругвайнинг бошқа мамлакатлардан қарзи 1 миллиард 500 миллион доллардан ошиб кетди. Минг-минглаб кишилар қамоқхоналарда азоб чекиб ётибдилар.

Уругвай режимининг АҚШ монополистик капитали билан, Пиночет хунтаси ва Жанубий Африка иркчилари билан иттифоқ тузишга қаратилган йўли уни мамлакат ичкарисида ҳам, шунингдек халқаро миқёсда ҳам тобора яккалаб қўймоқда, — деди Р. Арисменди.

ФАКТ ВА ШАРҲ

КОЛХОЗЛАРАРО ШИФОХОНАЛАР

Ғиждувон районида колхозлараро сана торий-профилакторий очилди. Унинг корпуслари Айний номли колхознинг боғида жойлашган. Даволаш ва процедура кабинетлари замонавий медицина аппаратлари би лан жиҳозланган. Кино зали, кутубхона, спорт зали қишлоқ меҳнатчиларига хизмат қилади. Бу ерда бир маҳалда 150 киши дам олиши ва сиҳат-саломатлигини яхшилаши мумкин.

Ўзбекистон информация агентлигининг мухбири қишлоқ хўжалиги ва тайёрлов ишчилари ҳамда хизматчилари касаба союзи республика комитетининг раиси М. Раззоқовга мурожаат қилиб, ундан мана шу фактни шарҳлаб беришни сўради.

— Бу колхозлараро санаторий-профилакторий республикада учинчи шундай муассасадир. Қолган иккитаси Андижон ва Оққўрғон районларида жойлашган. Янги шифохона тўхтовсиз график асосида ишлайди, ўн битта колхоз меҳнатчиларига хизмат кўрсатади. Яқин атрофдаги хўжаликларнинг деҳқонлари, оддий профилакторийлардаги сингари ишни тўхтатмай даволанишлари мумкин, олис хўжаликларнинг деҳқонлари эса 24 кун муддат ичида ишдан ажралган ҳолда даволана оладилар. Бу шифохонани барпо этишда манфаатдор колхозларнинг ҳаммаси шеригчилик асосларида қатнашдилар. Маблағларнинг бир қисми колхозларнинг социал страхование марказлашган фондидан ажратиб берилди. Бу ерда ишлайдиган ходимларга ҳақ тўлашни касаба союз ташкилотлари ўз зиммасига олади.

Қишлоқдаги бошқа ижтимоий-маданий тадбирлар сингари колхозлараро санаторий-профилакторийларнинг қурилишига колхозларда касаба союз ташкилотларининг ўсиши туфайли муваффақ бўлинди. Ҳозир Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларидан бир миллиондан ортиғроқ киши касаба союзи аъзоларидир. Эндиликда, ВЦСПС XI пленуми қарорларига биноан механизатор ёки бошқа қишлоқ мутахассисидан ташқари ҳар бир колхозчи касаба союз сафига кириши мумкин, уларнинг сони тез кўпайиб бормоқда. Шунинг натижасида қишлоқ меҳнаткашларининг социал страхование бюджети ўсмоқда. Агар 1974 йилда колхозчиларнинг санаторий-курортларда даволанишига ва дам олишига 1 миллион 890 минг сўм ажратилган бўлса, бу йил икки ярим миллион сўмдан зиёдроқ маблағ ажратилди. Колхоз санаторий-профилакторийларининг шохобчалари ўнинчи беш йиллиқда кенгаяди. Ҳозир бу ерда бир маҳалда тахминан 300 киши ўзининг сиҳат-саломатлигини яхшилай олади. Беш йилликнинг охирига келиб бу рақам қариб уч баравар ортади.

БУТУНИТТИФОҚ БАДИИЙ ҲАВАСКОРЛИК ИЖОДИ ФЕСТИВАЛИ

ЁШЛАР «ПАРВОЗИ»

Пойтахтимизнинг «Восток» клубида иш олиб бораётган бу ёшлар ансамблининг номи «Парвоз» деб аталади. Ансамбль В. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳузурида 1961 йилда ташкил топган эди. Дастлаб коллективга ўн санъатсевар уюшди. Орадан учтўрт йил ўтгач, унинг сафи кенгайиб, қатнашчилари ўттиз беш кишига етди. Фақат изланиш ва ўрганишни ўзига шиор қилиб олган ансамбль аввал район, шаҳар, сўнг область кўрикларида назарга тушди. Унинг тиришқоқлиги ва изланувчанлигини пайқаган профессионал санъаткорлар ҳам илиқ эътирофни, кўмакни аямадилар.

Ансамблнинг дастлабки қадамлари шу билан характерланадики, у репертуар ранг-баранглигига алоҳида эътибор берди. Кўп йиллардан бери таниқли санъаткорларимиз томонидан муваффақиятли ижро этиб келинаётган ёрқин куй, қўшиқ ва рақслар мурожаат қилишда катта ҳурмат билан ёндашди, масъулият оғир эканлигини ҳис қилди. Шунинг учун «Парвоз»нинг дастлабки ижроларидан ҳисобланган куй ва қўшиқлар, рақслар томошабинларда илиқ таассурот қолдирди.

«Парвоз» 1970 йили В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигига бағишлаб ўтказилган область фестивалида муваффақиятли қатнашиб, биринчи даражали диплом билан тақдирланди. Бу — ёшлар коллективининг илк муваффақияти эди. 1974 йил ансамбль ва унинг қатнашчилари ҳаётида ёрқин, унутилмас из қолдирди. Худди ўша йили коллективга «Халқ ашула ва рақс ансамбли» унвони берилди. Унвон ёш ҳаваскорларнинг кучига-куч, ғайратига-ғайрат қўшди. Улар энди ўзларига катта ишонч билдирилганлигини қалбдан чуқур ҳис қилар эдилар. «Парвоз» тароналари тез орада радио тўлқинлари орқали эфирга таралди, «экранги экран»да янгради.

Ансамбль репертуарда қардош халқларнинг куй ва қўшиқлари, рақслари бўлишига ҳам астойдил интилди. Шу мақсадда озарбайжонча «Ойқиз», туркманча «Лайло», қозоқча «Олатов», тожикча «Тожикистоним» қўшиқлари ўрганилди ва муваффақиятли ижро этилди. «Ягона оилада» деб номланган вокаль-хореографик сюита ўзининг мазмундорлиги ва жозибаси билан санъат мухлисларини ҳушнуд этди. Ансамблнинг бу йирик ишини ҳатто таниқли санъаткорлар ҳам олқишладилар.

Ёшлар коллективини чет элда ҳам билишади. «Парвоз» 1975 йилнинг август ойида Болгариянинг Хасково шаҳрида бўлиб ўтган XII жаҳон халқ ҳаваскорлари фестивалида қатнашишга муяссар бўлди. Ёш санъаткорлар ГДРнинг Дрезден шаҳрида бўлиб ўтган ишчи ёшлар бадиий ҳаваскорлик коллективларининг Халқаро фестивалида ҳам муваффақият қозондилар.

Ансамблнинг ҳозирги составида ишчи, студент, инженер, ошпаз, бухгалтер сингари ҳар хил касб эгалари бор. Уларнинг сони бугунги кунда 72 кишини ташкил этади. «Парвоз» ансамблининг муваффақиятларида унинг бадиий раҳбари Ш. Жанайдаров ва балетмейстер М. Ҳамдамовларнинг хизмати катта. Худди шуларнинг тинимсиз меҳнати ва жонкуярлиги туфайли ансамбль бугунги кунда кўпчиликнинг тилига тушди.

Ёшлар коллективи бирлашма ишчиларини жарангдор қўшиқ, дилрабо куй ва жозибали рақслар билан ҳамиша ҳушнуд этиб боришни, уларни янги зафарларга илҳомлантириш, бунёдкор меҳнатларини мадҳ этиш ва шарафлаш ўзининг эзгу мақсади деб билади. Табиийки, бунга эришиш ҳаваскорлардан мунтазам изланиш, кузатишни ва қунтни талаб этади. «Парвоз» ансамбли қатнашчилари эса буни қалбларидан чуқур ҳис этган ҳолда иш кўрмоқдалар.

О. НАЗАРОВ.

Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваториясининг Успенский номли ўрта махсус музика мактаби ранг-баранг профилдаги музикантларни тарбиялаб етиштиради. Республиканинг бу нўзга кўринган музика таълими даргоҳи шу пайтгача 500 дан ортиқ пианиночи, гижжакчи ва виолончел чаладиган музикантларни тарбиялаб етиштирди. Суратда: шу ўқув юртининг бешинчи синф ўқувчиси Алишер Икромиддинов.

И. Покотилов ва Р. Шагаев фотолари. (ЎзТАГ).

БИЗГА ЁЗАДИЛАР

ҲАЁТГА ҚАЙТИШ

Мени Жиззах области бирлашган шифохонасининг травматология бўлимига оғир аҳволда келтиришди. Аҳволим кундан-кунга оғирлашиб борар, ҳушимни тез-тез йўқотар эдим. Элс-элс ўзимга келганимда ташвишли азиз аяжоним билан дадажонимни кўрардим. Аввал эътибор бермаган эканман, гулдонда бир даста райҳон турарди. Райҳон менга ҳаётни, яшаш завқини яна бир бор эслатгандай бўлди. Кўз ўнгимдан муздек чашмалар, алвон қирлар, яратиш завқи билан яшаётган ёшлар, севимли китобларим — ҳамма-ҳаммаси бир-бир ўта бошлади. Шундан сўнг ҳаётга бўлган муҳаббатим, яшашга қизиқишим янада орта борди.

Менинг завқли ҳаёт кучоғига қайтишимда шифокорлардан С. Қосимов, И. Қосимов, П. Алимов, О. Толипов, Қ. Мусурмоновларнинг хизмати ва ҳиммати катта. Мен энди юрмоқдаман. Азиз юртимнинг гўзал жамолига суқланиб боқаман. Соф ҳаводан ўпкамни тўлдириб-тўлдириб нафас оламан. Севимли врачларим менинг юрганимни кўрганларида севиниб, жилмайишади. Улар яна бир инсонни ҳаётга қайтарганларидан ҳурсанд.

З. БУРИЕВА,
Жиззах райони.

«ҒУНЧА» ЮЛДУЗЛАРИ

Кўркам бино ичкарисидан жажжи ширинтойларнинг қувноқ ва янгроқ овози эшитилиб турибди. Бу Қаттақўрғон райони марказидаги «Ғунча» болалар боғчаси. Ана шу кичкинтойлар масканида меҳнаткашларнинг 220 нафар ўғил-қизи тарбияланмоқда. «Ғунча» юлдузларининг ҳар томонлама камол топиши учун қулай шарт-шароитлар яратилган.

Болалар оромгоҳида дўндиқчаларнинг кўнгилдагидек яйраб, тарбия олишида Ася Умарова, Ўралтош Эгамбердиева, Орзи Маҳмудова, Хуррам Тўраева каби меҳрибон тарбиячилар алоҳида ғамхўрлик кўрсатишмоқда. «Биз, айниқса, ширинтойларнинг соғлом ўсишларига эътиборни кучайтирямиз» — дейди боғча мудираси Н. Раҳимова.

Д. ШАКАРОВ,
Каттақўрғон шаҳри.

* * *

Бундан ташқари редакцияга газетхонлардан Н. Ҳасанов, Э. Очилов, С. Каримов (Самарқанд), Т. Бистрова, Т. Тожибоев, А. Ашуров, М. Ҳасанов (Тошкент), К. Рисметов (Жиззах), Қ. Аллонов (ҚҚАССР). М. Жўраева, М. Азизов (Қашқадарё), Ҳ. Рамазонова (Фарғона) ва бошқалар турли мавзуларда хат-хабарлар йўллашган.

ФАН ВА ТЕХНИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

КАСАЛЛАНГАН ТИШ ДАВОСИ

Манчестер университети (Буюк Британия)нинг бир группа олимлари кариес тишни (қурт еган) даволашнинг янги усулини таклиф қилдилар. Шу пайтга қадар тишнинг касалланган қисмига қоплама ўрнатиш ёки уни олиб ташлаш энг яхши усул ҳисобланарди. Инглиз олимлари таклиф қилган усулга кўра, туз кальцийси аралашмаси билан оғиз чайиладн. Маълумки, кальций тиш тўқимасининг энг зарур озуқасидир. Бу аралашма тишни мустаҳкамлайди, айни вақтда даволайди ҳам. Бундан ташқари кучли аралашма кариес ҳосил қилувчи микроорганизмларни йўқ қилади.

Янги усул бўйича ўтказилган тажрибалар натижаси яхши. Жумладан, беморнинг касалланган тиши олиниб, бир неча кун давомида аралашмага солинди. Бу тажрибада беморнинг ўзи ҳам иштирок этди. Касалланган тиш аста-секин тиниқлаша борди. Агар бундан кейинги тажрибалар ҳам яхши натижалар берса, янги дори-дармон аралашмаси ишлаб чиқарила бошланади. Олимлар бу тажриба бир неча йил давом этса керак, деб ҳисобламоқдалар.

В. Н. ЧИРКОВ

Тошкент Қишлоқ хўжалиги институти илмий жамоатчилиги ва коллективи, оғир жудолиққа учради. Республика агрономия фанининг ветерани, 1948 йилдан КПСС аъзоси, профессор, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби Вадим Николаевич Чирков 5 декабрда 77 ёшида тўсатдан вафот этди.

В. Н. Чирков ўзининг ярим асрдан ортиқ ҳаётини қишлоқ хўжалиги фанини ривожлантиришга ва халқ хўжалигининг малакали мутахассисларини тарбиялаб етиштиришга бағишлади.

В. Н. Чирков меҳнат фаолиятини мактабда ўқитувчиликдан бошлаб, йирик олим, ер билимдони, олий қишлоқ хўжалик мактабининг педагоги ва ташкилотчиси бўлиб етишди. У 40 йилдан ортиқ фаолиятини Тошкент Қишлоқ хўжалиги институтининг ривожланишига бағишлади. У институт ташкил топганидан буён шу ерда ишлаб доцент, декан ва ректор ўринбосари лавозимларини бажарди.

Профессор В. Н. Чирков Ўрта Осиё ўсимлиншунослиги соҳасида йирик мутахассислардан биридир. У кўплаб илмий ишлар ва қўлланмалар муаллифи, булардан студентларнинг бир неча авлоди билим олди.

В. Н. Чирковнинг кўплаб шогирдлари ҳозир йирик олим, партия ва совет органларининг ходимлари, қишлоқ хўжалигининг таниқли мутахассисларидир.

В. Н. Чирков катта жамоатчилик ишлари олиб борди.

В. Н. Чирковнинг фидокорона меҳнати партия ва ҳукуматимиз томонидан юксак баҳоланди. У Ленин ордени ва ҳукуматнинг бошқа мукофотлари билан тақдирланди.

Партиянинг содиқ фарзанди, катта қалб эгаси, йирик олим ва ажойиб педагог, толмас меҳнаткаш Вадим Николаевич Чирковнинг порлоқ ҳотираси ҳамиша қалбимизда сақланажак.

БИР ГРУППА УРТОҚЛАРИ.

«Совет Узбекистони» газетасининг навбатдаги сони 9 декабрда чиқади.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

Реклама ВА ЭЪЛОНЛАР

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 7/XII да Майсаранинг иши, 8/XII да Испан миниатюралари.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 7/XII Кўрмайин босдим тиконни, 8/XII да Уйланиш, 9/XII да Қалби олов.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 8/XII да Хонума-хоним. 9/XII да Кўнгли ёш қариялар.

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Шимолий Осетия АССР-да хизмат кўрсатган артист ЭМИЛЬ КИО раҳбарлигидаги йирик иллюзион ревю гастроллари (19.30).

Кино

Деҳқон ўғли — «ВОСТОК» (11, 13.00), НАВОИЙ номли (11, 14, 17, 20.00), «НУКУС» (тоқ соатларда), ҲАМЗА номли (15, 17, 19, 20.30), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Познан булбуллари — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (10, 14, 18.00), «ҚОЗОҒИСТОН» (11, 15, 19.00).

Катта пойга — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Есения — «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

Зита ва Гита — «ҚОЗОҒИСТОН» (12, 13, 16, 17, 20, 21.00).

Ҳалқ романи — «ВОСТОК» (15, 17, 18.30, 20, 21.30), «ЎЗБЕКИСТОН» (жуфт соатларда).

Ога-инилар — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (12, 16, 20.00).

Очиқўзликка қарши маккорлик — «МОСКВА» (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45).

●

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА
9, 10, 11, 14, 15 ДЕКАБРЬ соат 19.30 да

ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ
ҲАМЗА ҲАКИМЗОДА НИЕЗИЙ асари
Комил ЯШИН таҳрири остида
«ИШҚ ҚУРБОНЛАРИ»
(«ЗАҲАРЛИ ҲАЁТ»)
Туркистонда қиз-куёв фожиаси.
Саҳналаштирувчи режиссер Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Б. ИХТИЕРОВ.
Рассом — А. БАТИКОВ.

●

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА
29 декабрь — 10 январь
МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ҚИШКИ ҚАНИКУЛ КУНЛАРИДА
«СЕҲРЛАНГАН ПАХТАОЙ»
ЯНГИ ЙИЛ АРЧА ТОМОШАЛАРИ
КОЛЛЕКТИВ БУЛИБ КЕЛИШ УЧУН 15 ДЕКАБРГАЧА ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
Олдиндан билет сотиш кассаси ишлайди.
Томошалар 11.00, 15.00 ва 19.30 да бошланади.
Справкалар олиш учун телефон: 44-53-91.

●

НАМАНГАН ШАҲРИДАГИ «ХИМИК» КЛУБИДА
7-8 декабрь кунлари
ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛИДАГИ ОРТИҚЧА МОЛЛАРНИНГ УЛҒУРЖИ САВДОСИ БУЙИЧА
РЕСПУБЛИКА ЯРМАРКАСИ ЎТКАЗИЛАДИ
ЯРМАРКАГА ҲАММА СИСТЕМА ВА ИДОРАЛАРГА ҚАРАШЛИ САВДО ТАШКИЛОТЛАРИ, ҲАМДА ИТТИФОҚДОШ РЕСПУБЛИКАЛАР САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ ВАКИЛЛАРИ ТАКЛИФ ҚИЛИНАДИЛАР.
Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги
«Узторгпосредконтора»
«Ўзбекбирлашув»

●

ЎРТА ОСИЁ ЛОЙИҲА-МОНТАЖ ИШЛАРИ БОШҚАРМАСИ
10 декабрдан бошлаб
АЛОҚА МОНТАЖЧИЛАРИНИ ТАЙЁРЛАЙДИГАН ҚИСҚА МУДДАТЛИ КУРСЛАРГА
ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ
Ўқиш муддати — 2 ой.
Курсантларга ҳар ойда 57 сўм миқдорида стипендия тўланади ва улар ётоқхона билан таъминланадилар.
КУРСЛАРГА 8 — 10-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ ВА СОВЕТ АРМИЯСИ САФЛАРИДАН ЗАПАСГА БУШАТИЛГАН ЙИГИТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
Мурожаат учун адрес: Тошкент — 107, Қирқиз кўчаси, 21-уй (14, 33, 50, 54-автобуслар, 7, 9, 13, 16 троллейбусларнинг «Волгоградская кўчаси» бекати). Телефонлар: 77-76-46, 77-64-49.

ЎЗБЕКИСТОН ССР МАДАНИЯТ МИНИСТРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РАССОМЛАРИ ВА АРХИТЕКТОРЛАРИ СОЮЗЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА
Тошкент шаҳрида Шарқнинг озод бўлган аёлига ўрнатиладиган монумент-лойиҳасини яратиш бўйича
ОЧИҚ КОНКУРСНИНГ ИККИНЧИ ТУРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ
КОНКУРС ҚАТНАШЧИЛАРИ ОЛДИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ВАЗИФА ҚУЛЛИК КИШАНЛАРИНИ ПАРЧАЛАБ ҲАМДА ЯНГИ ҲАЁТНИНГ ТЕНГ ҲУҚУҚЛИ ҚУРУВЧИСИ БЎЛГАН ШАРҚНИНГ ҲОЗИРГИ ЗАМОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИ ОБРАЗИНИ ЯРАТИШДАН ИБОРАТ.
Лойиҳаларни барча иловалари билан девиз остида қуйидаги адресга юборилиши сўралади: 700031, Тошкент шаҳри, Г. Лопатин кўчаси, 38-уй, Эксперименталь ҳайкалтаршослик ишлаб чиқариш комбинатига 1977 йилнинг 1 мартигача юборилсин.
Бошқа шаҳарлардаги муаллифлар ўзларининг лойиҳаларини 1977 йилнинг 1 мартидан кечиктирмай почта орқали юборишлари ва айни вақтнинг ўзида Ўзбекистон ССР Маданият министрлигига (700129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уйга) лойиҳанинг жўнатилганлиги ва алоқа квитанциясининг тартиб сонини телеграф ёрдамида ҳабар қилишлари сўралади.
КОНКУРСГА ТАҚДИМ ЭТИЛГАН ЭНГ ЯХШИ ЛОЙИҲАЛАР УЧУН ҚУЙИДАГИ МУКОФОТЛАР БЕЛГИЛАНГАН:
биринчи — 3000 сўм;
иккинчи — 2000 сўм;
учинчи — 1000 сўм.
ҲАР БИРИ 500 СУМДАН БЎЛГАН УЧТА РАҲБАТЛАНТИРИШ МУКОФОТИ.
Конкурснинг программаси ва шартлари билан Ўзбекистон ССР Маданият министрлигининг ёдгорликлар муҳофазаси ва тасвирий санъат бош бошқармасида танишиш мумкин (Тошкент шаҳри, 129, Навоий кўчаси, 30-уй; Телефон: 44-17-48).

●

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг
БОТАНИКА ИНСТИТУТИ лабораториялар бўйича кичик илмий ходимлар вакант вазифаларига
КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ
геоботаника — агрохимия мутахассислиги бўйича:
ўсимликлар физиологияси ва биохимияси: — ўсимликлар физиологияси мутахассислиги бўйича.
КОНКУРС МУДДАТИ — ЭЪЛОН ЧИҚҚАН КУНДАН БОШЛАБ БИР ОЙ.

●

УРГАНЧ ЁҒ-ЭКСТРАТ ЗАВОДИГА
Ёғ-мой саноатининг инженер-технологлари, автоматика ва контрол ўлчов асбоблари бўйича инженерлар, инженер-механиклар, аппаратчи-экстрактчилар, аппаратчи-дистилляторчилар, фильтрчилар, прессчилар, шелушильчиклар, электргаз пайвандчилар, слесарлар, созловчи-слесарлар, токарлар
КЕРАК
Ёлғиз кишилар ётоқхона билан, оиладиклар квартира билан таъминланадилар.
ЙЎЛ ХАРАЖАТЛАРИ ВА НАФАҚАЛАР ИЗОТ БУЙИЧА ТУЛАНАДИ.
Мурожаат учун адрес: Хоразм область, Ургенч шаҳри, Янгариқ кўчаси, телефон: 57-14.

Шу кунларда Тошкент метроси қурилишида иш қизғин. Бинокорлар метрополитеннинг биринчи участкасини Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги арафасида фойдаланишга топширишга ақд қилишган. Суратларда: 1. Илғор қурувчилардан В. Витягин ва А. Липаткинлар «Халқлар дўстлиги» станциясида металл конструкцияларини монтаж қилишмоқда. 2. Метронинг пўлат из ётқизилган қисми.

И. Глауберзон фотолари.

КЎНГИЛ ШИШАСИ

Меҳрибонлик ва самимийлик билан инсон дилига йўл топиш, оғир кунда унинг кўнглини кўтариш мард кишиларнинг ишидир. Жиндек даҳаллик ила кўнгил жомини синдириш, кичик мурувват ила кўнгилни тоғдек кўтармоқ мумкин.

Шундай одамлар борки, уларнинг доно, ширинсухан суҳбатидан дилингиз равшан тортиб, ҳузур қиласиз. Лекин шундай кишилар ҳам йўқ эмас, улар ўзларига хаддан ташқари оро берадилар. Улар билан яқиндан танишган киши кибри-ҳаволаниши, қўполлигини кўриб таажжубланади. Воажаб, кўнгил кўтаришга бир оғиз сўз тополмаган бундай кимсанинг кўнгил қолдирадиган хатти-ҳаракатларга устаси фаранглигидан ажабланасиз.

Ҳа, кўнгил гулдан нозик. Икки оғиз ширин сўз билан кўнгилни хуш қилмоқ мумкин. Аксинча бир оғиз сўз кўнгил шишасини чил-чил этмоққа қодир.

Дилозордан — эл безор, деб бежиз айтмаганлар. Дилозорлар кўпчилик назаридан ўйлаганингда беихтиёр яхши кўпларингда қалби тўғён уриб севинган, бошингга оғир ташвиш тушганда дилдан ҳамдард бўла олган ажойиб инсоний қалб эгалари кўз олдингга келади. Ҳаёт улар билан янада гўзал ва нурафшон бўлади. Уларнинг меҳр-оқибатлари қалбингни офтобдек ёритиб, ойдек ёритиб туради. Булар одамга куч-қудрат бўлиб, ҳаётга улкан муҳаббат туйғуларини тарбиялайди. Шунинг учун ҳам дўстлари, ёру биродарлари кўп кишилар ҳаётда ўзларини ниҳоятда бахтиёр ҳис этадилар. Улар одамларга яхшилик, фақат яхшилик қилиш туйғулари билан яшайдилар.

Абу Али ибн Сино узоқ умр кўришнинг зарур шартларидан бири — инсоннинг руҳан покиза бўлишидир, деган эди. Бунинг учун мутафаккир ҳушфеъл, доно кишиларга яқин бўлишни маслаҳат беради. Улар билан табиатнинг зилол сувли, кўркам жойларида гашт қилиш инсонга ҳузур-ҳаловат бахш этади. Аксинча, жоҳил, ифвогар шахслар билан ёнма-ён ишлаш кайфиятингни бузади, кўнглингни ранжитади. Инсон кўнгли шундай нозикки, уни синдирган киши доғ-ҳасратда қолади, афсусланади. Чунки, чил-чил синган шишани ёпиштирса бўлар, аммо инсон қалбини синдирсанг уни тиклашинг маҳол.

Яхшилардан ибрат олиб, шу билан бирга уларга иззат-ҳурмат билдириб яшаймиз. Одамларнинг бир-бирига кўрсатган меҳр-оқибати кимни ҳаяжонга солмайди дейсиз. Бу кишиларда фақат ва фақат яхши хислатларни тарбиялайди, одамгарчиликка ундайди.

Одам сўзларини тинглаш осон, лекин унинг қалбига кира билиш қийин. Одам кўнглида ҳали айтилмаган, балки ҳеч қачон айтилмайдиган шундай туйғулар ҳам бўладики, ўша сирли туйғуларни кўнгилларига йўл топмай туриб уқиб бўлмайди.

Келинг, инсон қалбини авайлайлик, покиза туйғуларни ардоқлайлик. Бу эса, бир лаҳзалик иш эмас, балки инсоннинг доимий одати бўлиб қолиши керак. Ҳеч бир инсоннинг кўнгил шишаси бемавруд синмасин. Бу сизга, бизга, ҳаммамизга боғлиқ.

С. АКМАЛОВА.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10— Эрталабки гимнастика. 10.30— Руслан ва Людмила (бадиий фильм, 2-серия). 15.30 — Кинопрограмма. 16.20 — Жаҳон бўйлаб. 16.45 — Совет қонунчилиги асослари. 17.15 — В. Маяковский. «Владимир Ильич Ленин» (поэма). 17.45 — Москваликлар беш йиллик марш ида. 18.15 — Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун. 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — Халқ ижоди. 20.00 — «Бизнес оламида» (туркум). 20.30 — Чуютка бошлиғи (бадиий фильм). 22.00 — «Вақт». 22.30 — СССРда румин музикаси фестивалининг очилиши.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Ўқув кўрсатуви. 12.00 — Ҳужжатли фильм. 12.25 — Адабиёт. 13.00 — Қотиллинда айбланадилар (бадиий фильм). 18.30 — Мультфильм. 18.40 — Қизиқарли учрашувлар. 19.15— Тарихий обидаларга бағишланган кўрсатув. 19.45 — «Ахборот». 20.00 — Қишлоқларимизнинг келажаги. 20.20 — Бу ерда Шарқ музикасини ўрганадилар. 21.00— «Ахборот». 21.20 Концерт. 22.00 — «Вақт» (Москва). 22.30 — Илғорлар минбари. 22.40 — Олишув (бадиий фильм).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.05— Болалар учун фильм. 19.20 — Эстетика. 20.00 — Фильм-концерт. 20.20 — Тошкент янгиликлари. 20.35 — Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. 21.05 — Назарий механика.

Радио

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Муқимий ғазаллари билан айтиладиган қўшиқлар. 9.30 — Енгил куйлардан концерт. 11.15 — М. Чернова. «Ишчи деган юксак ном». Очерк. 11.25 — Рубобда Қ. Орипов ва чангда Р. Неъматов чалади. 12.10 — «Ўзбекистон ишчиси». 13.30 — Дўстларимиз эстрадаси. 16.10— «Таня билан учрашув». А. Арбузовнинг пьесаси ҳақида радиоҳикоя. 19.20 — «Ёшлик» радиостанциясининг программаси. 20.25 — Қорақалпоқ куйлари. 21.00 — Шу куннинг қўшиқлари. 22.00 — Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. 22.30 — Халқаро мавзуларда суҳбат. 22.40 — О. Ёқубов. «Бахт қуши». Ҳикоя. 23.15 — Дам олиш концерти.

Об-ҳаво

Бугун Қорақалпоғистон АССР, Хоразм областида ҳавонинг камбулутли келиши, ёғингарчиликнинг бўлмаслиги кутилади. Бухоро областининг шимоли ва Фарғона водийсида ҳаво ўзгариб турсада, ёғингарчилик бўлмайди. Қолган жойларда ёғмир ёғиши мумкин. Қашқадарё ва Сурхондарё областларида шамол ғарб томондан секундига 5-10 метр тезликда эсади. Фарғона водийсида шамолнинг ҳаракати беқарор бўлиб, тезлиги секундига 3-7 метрга етади. Қолган ерларда шамол шарқдан секундига 5-7 метр тезликда эсади. Ҳарорат Қорақалпоғистонда 3 даража совуқ билан 2 даража иссиқ ўртасида бўлади. Қашқадарё ва Сурхондарё областларида эса, иссиқлик 8-13 даражага етади. Бошқа жойларда иссиқлик 2-7 даражадан ошмайди.

Тошкентда ҳаво бир оз булутли келади, ёғингарчилик бўлмайди. Эрталаб ва кечқурунлари туман тушади, Кучсиз шамол эсиб, 5-7 даража атрофида иссиқ бўлади.

Ўзбекистон ССР Журналистлар союзи правленияси ва «Совет Ўзбекистони» газета редакцияси коллективи СССР Журналистлар союзининг аъзоси, редакциянинг собиқ мухбири, республика миқёсидаги шахсий пенсионер
Салим КАРИМОВнинг
вафот этганлигини маълум қилиб, марҳумнинг оиласига чуқур таъзия билдирадилар.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Ботаника институти коллективи институтнинг собиқ катта илмий ходими, биология фанлари кандидати
Бауддин Ниёзович НИЕЗОВнинг
вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбек Совет Энциклопедияси Бош редакцияси коллективи маданият ва санъат илмий редакциясининг мудири, филология фанлари кандидати П. Тўраевга онаси
Рейма ТУРАЕВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ Орган ЦК Компартии Узбекистана Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000, ГСП, Тошкент ЛЕНИН проспекти № 41 * ТЕЛЕФОНЛАР

Коммутатор — 330249 дан 330258 гача
Эълонлар — 338142.

Р. 03732. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64583. В. — 285.